

جدید

2025-yil 16-may

№ 20(72)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

ШОИРНИ СЕВДИРДИ, ШЕЪРНИ СЕВДИРДИ

Кундуз юриб ёздим, тун туриб ёздим,
Ёзганда кўксимга тиг уриб ёздим.
Дардларимга сиёҳ қор қилмай қолгач,
Қаламни қонимга ботириб ёздим.

Қон асли ёруғлик. Ёруғлан, тиз чўқ,
Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар.
Қанча қонинг бўлса – Ватан учун тўқ,
Қанча шонинг бўлса – Ватанни кўтар!



(4-саҳифада ўқинг).

ТАРАДДУД

Мустақиллик айёмини барча байрамлар сарвари, жами тантаналар гултожи деб шарафлаймиз. Дарҳақиқат, ҳар қандай шодиёнанинг асл манбаи эркинликда, инсон бахту саодатининг асоси озодликда, миллат толеи иқболи суверенитетда, Ватан камоли ва равнақи эса унинг мустақиллигидадир. Шу боисдан ҳар йили Истиқлол куни юртимизда кенг нишонланиб, бизга чексиз фахру сурур бағишлаш билан бирга эркинлик қадр-қимматини қайта-қайта ёдга солади. Бу сиёсий издиҳом тарих сабоқларини унутмасликка, бугуннинг шукронасини дилдан қўямасликка ундар экан, ёшларга комрон келажакнинг гарови айнан ана шу қутлуғ кунга боғлиқ эканини ҳам бот-бот ўқтиради.

Бу йил энг улуғ, энг азиз айёمنى нишонлашга ҳозирлик эртароқ бошлангачи. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Кун кеча “Туркистон” санъат саройи фаоллар залида яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 34 йиллик шонли санасини

ИШОНЧ ВА ШУКРОНА АЙЁМИ



чинакам умумхалқ байрами сифатида муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўриш масаласига доир йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов бошчилигида ўтказилган мазкур йиғинда Республика Маъна-


вият ва маърифат маркази, Кинематография агентлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси вакиллари, фаол ижодкор зиёлилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар томонидан дунёда геосиёсий ва иқтисодий қарама-қаршилиқлар тобора кескинлашаётган, халқаро муносабатлар тизимида юзага келаётган можаро ва зиддиятларни куч ишлатиш орқали ҳал этишга интилишлар кучайиб бораётган бир вазиятда халқимизнинг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш, ёшларда эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаш, таъсирчан замонавий воситалар орқали ватанпарварлик кайфиятини янада кучайтиришга қаратилган тарғибот ишларини жадал ва сифатли олиб бориш муҳимлиги таъкидланди.

– Биз ҳар йили кўплаб байрам тантаналар, юбилей ва халқаро анжуманлар ўтказишга кўнигиб қолдик. Лекин истиқлол байрамини, таъкидлаб ўтилганидек, ҳар сафар гўё биринчи бор ўтказаятгандек масъулият ва жавобгарлик ҳисси билан фидокорона ўтказишимиз керак.

(Давоми 3-саҳифада).

ЎЗБОК



ЖАСОРАТНИНГ ТИРИК ЁДНОМАСИ

Пойтахтимизда қад ростлаган муҳташам “Ғалаба боғи” ўзининг бой маънавий қиммати, тарихий нафаси, ёдгорлик ва тимсоллари, шунингдек, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги матонати ва ғалабага қўшган бекиёс ҳиссасини муҳассам этгани билан аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тобора оммалашиб бормоқда.

Хўш, янгитдан бунёд этилган икки мажмуа ҳақида нималарни биламиз? Ундаги нозик рамзлар ва миллий қадриятлар нималарда акс этади? Келинг, шулар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

“Хотира нури” мемориал ёдгорлиги

“Хотира нури” лойиҳаси Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ҳамда фронт ортида фидокорона

меҳнат қилган ўзбекистонлик қаҳрамонлар шарафига барпо этилди. Мазкур композиция урушда қозонилган Ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан яратилган бўлиб, унинг асосий гоёси – сурунли дамларнинг тирик гувоҳлари бўлган фидойи инсонларнинг жасорати, саботи ва ватанпарварлигини абадийлаштириш, келажак авлод хотирасида барқарор сақлашдан иборат.

“Ғалаба боғи” бугунги кунда замонавий санъат, илғор технология ва тарихий меросни уйғун тарзда жамлаган бетакрор маданий маскан сифатида юртдошлар ва меҳмонларда катта таассурот қолдирмоқда. Ушбу ёдгорлик нафақат миллий хотирамиз рамзи, балки замонавий санъат ва тарихий ҳақиқатларни мустаҳкам уйғунлаштирган ҳолда, авлодлар ўртасида маънавий кўприк вазифасини ҳам бажаради.

Бог – аждодларимиз жасоратига бўлган шукро-

налик ва ҳурмат, ҳаёт ва тинчликнинг қадри, авлодлар давомийлиги рамзи сифатида миллий ўз-лигимизнинг тирик тимсоли бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мажмуага ташриф буюрган ҳар бир киши бу ерда ёшлик ва кексаликни эслатувчи икки куш тимсолини кўради. Маълумки, куш ўзбек маданиятида ҳаёт, умид ва қайта туғилиш рамзи. Бу тимсол ҳумо куши билан боғлиқ бўлиб, миллий бирлик ва тинчликни англатади.

Қушларнинг қанотлари фахрийлар хотираси, уларнинг ҳаёт йўли ва сабоқлари ёзилган китоб саҳифаларини ифодалаб, уни келажак авлодларга етказишга ишоради.

Мажмуа атрофида гуллар билан безатилган майдон эса хурсандчилик, ҳаётга муҳаббатнинг рамзий ифодасидир.

(Давоми 3-саҳифада).

ДАВРА СУҲБАТИ

ДЕНГИЗЛАР ТУТАШГАНДА

Кўҳна Кўняда Румий ва Навоий
“дийдорланди”

Туркиянинг маънавий бошкенти – Кўня шаҳрида етти иқлимдан келган олим фозиллар нафис мажлис қурдилар. Нуфузли анжуман Шарқнинг икки улуғ мутафаккири, маоний мулкининг соҳибқиронлари – Мавлоно Жалолиддин Румий ҳамда Ҳазрат Алишер Навоийнинг бебаҳо меросига бағишланди.

Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 7 февраль куни имзолаган “Буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий ижодий меросини юртимиз ва жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш ҳамда Навоий вилоятида “Алишер Навоий йили”ни юқори даражада ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорда бир қатор муҳим вазифалар белгиланган эди. Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, Кўня шаҳри ҳокимлиги, Салжўқ университети ҳамда Мавлоно тадқиқотлар институти ҳамкорлигида жорий йил 5-6 май

кунлари ўтказилган “Мавлоно Румий ва Алишер Навоий: Онадўлидан Хуросонга қадар илм ва ҳикмат ёғдуси” мавзусидаги халқаро симпозиум ҳам ана шу қарорга ҳамоханг экани билан аҳамиятлидир.

Илмий машварат Румий ва Навоий меросига доир қизиқарли маърузаларга бой кечди. Ўзбекистон, Туркия, Эрон, Албания, Босния ва Герцеговина, Шимолий Кипр, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси каби мамлакатларда фаолият юритиб келаётган қилқалам олимлар, забардаст адабиётшунослар янги тадқиқоту топилмалари билан ўртоқлашдилар.

Алқисса, Кўняда Шарку Ғарб адабиётига, маънавиятига кучли таъсир кўрсатган икки мунаввар сиймо гўё дийдорлашди, таъбир жоиз бўлса, икки баҳри азим туташди.

Қуйида газетхонлар ҳуқуқига ана шу халқаро симпозиум қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари ҳавола этилаётир.



Кемал Явуз АТАМАН,
Карабук университети профессори (Туркия):

– Жорий йил февраль ойида Ўзбекистонда ўтказилган “Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси” халқаро симпозиумида соҳа мутахассислари қаторида қатна-

шиш насиб этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев адабиётга, мумтоз сўз санъатига, хусусан, Ҳазрат Навоий сиймосига юксак эҳтиром кўрсатаётганига бевосита шохид бўлдим.

Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди раҳбариятининг Туркия илм ва таълим муассасалари билан ҳамкорлигида мавлоно Жалолиддин Румий ва амир Алишер Навоий меросига бағишланган халқаро анжуман ўтказиш таклифи айна кўнглимиздаги ган бўлди.

(Давоми 2-саҳифада).

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ОЛИМПНИ ЗАБТ ЭТГАН ОЛТИНБОШ АВЛОД



Жадидларнинг бирламчи мақсади – ўсиб келаётган ёш авлодга замонавий билим бериш орқали жамиятнинг барча бўғинида етуқ кадрларни тайёрлаш эди. Зеро, тараққиёт чамбараги илм эгалари қўлидадир.

Бугун ҳам орамизда “миллат болаларини ўқутмак” каби эзгу ишга умрини бағишлаган фидойи устозлар, жадид боболарнинг муносиб издошлари талайгина. Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи директори, профессор Ортиқбой Эшонкулов ана шундай салоҳиятли олимлардан. У ёшларнинг истеъдодини шакллантириш ва рўёбга чиқариш борасида ўз мактабини яратган моҳир педагог. У киши раҳбарлик қилаётган лицей ўқувчилари республикамиз таълим тизими тарихида илк бор кимё ва биологиядан халқаро фан олимпиадаларида олтин медални қўлга киритишган.

(Давоми 5-саҳифада).

ОНАЖОНИМ – ТАБИАТ

“МЕНИКИ, СЕНИКИ, УНИКИ” ЭМАС, БАРЧАМИЗНИКИ




Яшил иқтисодиёт дегани бу фақат дарахт экиш ёки чиқиндини қайта ишлаш эмас. Бу, энг аввало, ресурсларни тежаш, экологик тоза технологиялардан фойдаланиш ва иқтисодий ютуқларни табиатга зарар етказмаган ҳолда қўлга киритиш демакдир. Бироқ, афсуски, бу тушунча ҳанузгача кўпчилик онгида чуқур жой олганича йўқ. Айрим юртдошларимиз ҳали-ҳануз эски, табиатга зарарли усуллардан воз кечишга шошилмаяпти. Бу ҳолат ўз-ўзидан экологик саводхонлик даражаси билан бевосита алоқадор.

Табиатимизда табиатга нисбатан лоқайдлик тобора томир ёйиб бораётганга ўхшайди. Негадир бу ҳол билан ҳар кун, ана бординг, бугун эрталаб ҳам юзлашгандекман. Йўл четига экилгану қаровсизликдан қуриб-қовжираб бораётган ноёб қрим арчаси, тўғридан тўғри елим пакетга тиқмажон қилиб деразадан улоқтирилган аралаш ахлат, қишда тўтиёё ҳозир ёниб қолгани сезилмайдиган кўча чироқлари...

(Давоми 3-саҳифада).

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ



биринчи ўзбек библиографи
Акбарбек ДОЛИМОВ ҳақида

(7-саҳифада ўқинг).



ДЕНГИЗЛАР ТУТАШГАНДА

Кўҳна Кўняда Румий ва Навоий “дийдорлашди”



Бошланиши 1-саҳифада.

Кўня шаҳри ҳокимлиги ва Салжук университети бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлагани эса шоян мамнун этди. Кўня анжумани Ўзбекистон мезбонлигида ўтган илмий машваратнинг мантикий давоми бўлди дейиш мумкин.

Бизларга Румий ва Навоий каби олиму ориф, мутафаккиру мутасаввуф зотларга авлод бўлмоқ бахтини раво кўргани учун Яратган Эгамга ҳар қанча шукрона айтсак кам. Ҳақ ошиғи бўлган бу икки улуғ сиймо умрини халқни маърифатли қилмоққа бағишлаган. Румий ва Навоий, муболагасиз, башариятнинг йўлбошчилари, тамаддун меъморлари, чин маънода комил инсонлардир.

Бугун нафсу ҳаво кўйига кирган одамзод асл мақсад-муддаосини унутгандек, ҳатто қибласини-да йўқотгандек. Ахлоқ, адабиёт, маърифат тансиқ ва танқис неъматга айланган ҳозирги даврда Румий ва Навоий қолдирган мероснинг аҳамияти, кадр-қиммати чандон ортган. Ҳикмат ва сўз санъатини вобаста эта билган бу зотларнинг этагидан тутганлар, шубҳасиз, нажот топгуси!



Линдита ХХАНАРИ, Тирана университетининг профессори (Албания):

– Жаҳон халқлари, хусусан, туркий дунё учун улуғ мураббий саналган Мавлоно Жалолиддин Румий абадий ором топган Кўня шаҳрида ўтказилган халқаро симпозиумга таклиф этилганимдан беҳад масрурман.

Албания ва Ўзбекистонни 4000-5000 қақирим масофа ажратиб туради. “Даҳолар ўлмайди” деганларни рост. Беш аср аввал яшаб ўтган буюк шоир Алишер Навоий турли жуғрофий минтақаларда жойлашган икки ўлкани яқинлаштирмоқда, десак муболага бўлмайди. Албанияда навоийшунослик араб алифбоси истифода этилиши билан боғлиқ ҳолда шаклланди. Усмонли империяси билан яқин алоқалар ўрнатилган XVII–XVIII асрларда мамлакатимизда араб алифбосидан фойдаланиш бошланган.

Албания давлат архивига араб алифбосида битилган арнавут адабиётига оид қўлёзмалар – дoston, қасида, ғазал, мавлид матнлари ва лугатлар сақланмоқда. Бу асарлар яратилган XVIII аср ватанимиз тарихига муҳим янгиланиш, маданий эврилишлар даври сифатида муҳрланган.

Албан адабиётининг ривожланишига туркий, араб ҳамда форсий тилларда ижод қилган қалам аҳли катта таъсир кўрсатгани маълум. Улар орасида энг улуғи ва тенгсиз, шубҳасиз, амир Алишер Навоий ҳазратларидир. Албания давлат архиви ва Тирана миллий кутубхонаси бисотида Навоий асарларининг турли қўлёзмалари мавжуд. Изланишлар асосида “Маҳбуб ул-қуллуб”нинг янги қўлёзмасини топишга муваффақ бўлдик. Ушбу қўлёзма асосида Дарвеш Хусайн битиклари орасида топишган назмий парчаларни асл матнга чоғиштириб тахлилга тордик. Бундан ташқари, Навоий ижодининг ворисийлиги масаласини ҳам тадқиқ этдик. Хусусан, Навоийнинг Незим Фракулла, Ҳасан Зико Фракири, Далип Фрашири каби албан ёзувчилари ижодига таъсирини ўрганиб, улуғ му-



Мехрдо ОҒОЙИ, Муҳаққиқ Ардабий университетининг доценти (Эрон):

– Дунё халқлари ардоқлайдиган икки мутафаккир ижодини ўрганишга бағишланган халқаро симпозиумнинг табарруқ Кўня шаҳрида ўтказилаётгани рамзий маънога эга. Мавлоно Жалолиддин Румий 122-мактубиди уни ёд этувчиларни алқаб бундай ёзди:

Ҳар ки моро кунад ба неки ёд,
Едаш андар жаҳон ба неки бод.

Яъни: Кимки бизни яхшилик ила хотирласа, ундан ҳам жаҳонда эзгу ном қолсин.

Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда эса:

Бу гулшан ичраки йўқдур бақо
гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса
яхшилик била от.

Халқаро илмий анжуман икки мутафаккирнинг ана шу ўғитига уйғун равишда ўтди.

Маълумки, амир Алишер Навоийнинг она тили туркийча эди, бироқ нодир истеъдод соҳиби бўлган бу зот ҳам туркий, ҳам форсийда юксак маҳоратла қалам тебратган. Қуръоний лисонни мукаммал билган шоир форсий ва туркий шеърларида ҳам арабий сўзи иборалардан моҳирона фойдаланган. амир Алишер Навоий форсий ҳамда туркий адабиёт ўртасида мустаҳкам кўприк, икки халқ адабиётини боғловчи олтин халқа хисобланади. Жаҳон аҳли унинг ижодини ҳайрат, ҳавас ҳамда айрича завқ билан ўрганиши ҳам бежиз эмас, албатта.

Темурийлар давлатининг ёрқин намояндаси саналган амир Алишер Навоий форсийни қай тарихи мукаммал ўргангани, тасаввуфий тушунчаларни форс ва араб тилларида қайси усулларда ифодалагани ҳамда бу икки лисоннинг адабий меросини қандай бойитганини ўргандик. Зулписонайн шоирнинг икки муаззам адабиётга мислсиз ҳисса қўша билгани таҳсинга лойиқдир.



Аднан КАРАИМОИЛЎҒЛИ, “Мавлоно тадқиқотлари” журнали бош муҳаррири, профессор (Туркия):

– Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам, Ҳазрат Алишер Навоий ҳам ўз асарларида дунё халқларини бирлик, аҳилликка ундаган эди. Қарангки, улар орадан шунча аср ўтиб, яна жаҳоннинг турли ўлкаларидан келган олимларнинг бошини қовуштирмоқдалар.

Мавлоно Румийнинг ҳасбу ҳолида Балх, Самарқанд каби шаҳрлар алоҳида зикр этилади. Орадан икки юз йил ўтиб, Алишер Навоий ҳам шу ша-

ҳарларда истиқомат қилгани тасодиф эмас. Мавлоно “Маснавий”да Навоий таваллуд топган Ҳирот шаҳрини ҳам тилга олган. Дарҳақиқат, икки мутафаккирнинг ҳаётида ҳам, маънавий оламида ҳам умумийлик, муштараклик бисёр.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Румийни бир неча ўринда эслаб ўтган, “Маҳбуб ул-қуллуб”да эса уни форсий шеърининг улуғ намояндаси дея эътироф этган.

Румий ва Навоий ўртасидаги ўхшашликлардан яна бири ҳар икки ижодкорнинг жамият равнақиға камарбаста бўлганида намоян бўлади. Навоий ўнлаб олиму ижодкорларга валинеъматлик қилгани, раият учун излаб работ, масжид, мадраса, хонақоҳ барпо этгани тилларда дoston. Халққа, давлат арбобларига йўл кўрсатган Румий ҳам ҳалигача ўз асарлари билан кишилик жамиятига мураббийлик қилиб келаётди.

Мавлоно Румий XIII асрда буюк Хуросонни Онадўлига кўчириб келгани каби Навоий ва унинг замондошлари XV асрда Кўня ва Онадўлини буюк Хуросонга олиб келишди. Бугун тарихий робита-лар қайта тикланаётгани қанчалар соз!



Мунир ДРКИЧ, Сараево университетининг профессори (Босния ва Герцеговина):

– Асрлар давомида Усмонли давлати таркибида бўлган Босния араб, форс ва турк тилли мусулмон маданиятининг энг чекка – ғарбий ҳудуди хисобланади. Ўлкамизда Фузулий, Боқий каби туркиуй шоирлар асарлари билан бир қаторда Алишер Навоий мероси ҳам тарқалган эди. Афсуски, мамлакатимизда яқин ўтмишда руй берган урушда Қўлёзмалар фонди жойлашган бинога бомба тушиб, 10 мингдан зиёд нодир қўлёзма ёниб кетди. Улар орасида Навоийнинг муътабар асарлари ҳам бор эди...

Алишер Навоий қаламига мансуб “Маҳбуб ул-қуллуб” пандномаси ҳамда ғазаллар девонининг қўлёзмаси Босния ва Герцеговина давлат архивига сақланмоқда. Қўлёзманинг алоҳида қиммати шундаки, ундан Навоийнинг туркий ғазаллари билан бирга форсий муаммолари ҳам ўрин олган. Маълум бўладики, Навоий зулписонайн шоир сифатида Болқон яриморлида ҳам шуҳрат топган. Ўзбекистонлик олимлари ҳам қимматли қўлёзмаларни тадқиқ этишда ҳамкорликка таклиф этиб қоламиз.



Вохит ТУРК, Истанбул маданият университети профессори (Туркия):

– Адабиётшунослик илми фақат ноёб қўлёзмалар қатларидаги сирларни инкишоф этиш, кунларни тунларга улаб кутубхонада заҳмат чекишдангича инкор эмас. Олимлик ўзаро суҳбат, фикр ва тажриба алмашувини ҳам талаб этади. Ушбу анжуман баҳонасида турли мамлакатлардан келган олимлар билан танишув, уларнинг мазмундор маърузаларини тинглаш барчамиз учун манфаатли бўлди.

Камина симпозиумда “Туркияда Алишер Навоийга доир тадқиқотлар” мавзусидаги маъруза билан қатнашдим. Жумладан, Онадўли аҳлининг Навоий ижодига ошно бўлиши ҳақидаги илк фактлари, хусусан, Ошиқ Чалабий таъкирасидаги маълумотларни ўртоқлашдим. Усмонли шоирлари Навоий ғазалларига назиралар битгани, “Маҳолис ун-нафоис” Онадўли туркчасига биринчилардан бўлиб таржима этилгани, улуғ мутафаккир асарларини тушунишга ёрдам берувчи лугатлар тузилгани таъсир қўлами қанчалар катта бўлганини тасдиқлайди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Туркияда Навоий меросига қизиқиш янада кучайди. Бу сирада Али Нихат Тарлон, Муҳаммад Собир, Гунай Кут, Гунул Алтай, Камол Эраслан каби олимларнинг докторлик диссертацияларини эътироф этиш жоиз. Умуман, кейинги ўн йилликларда Навоий ҳаёти ва ижодига оид тадқиқотлар сони, сифати ортди, шоир асарларининг деярли ҳаммаси нашр этилди. 2021 йили ёзган мақоламда Туркияда Навоий ижодига бағишланган 400 дан зиёд илмий иш олиб борилганини қайд этгандим. 2025 йилга келиб улар сони 800 га яқинлашди. Тўрт йил ичида икки баробар ўсиш! Бу – Ўзбекистон раҳбариятининг навоийшунослик илмига кўрсатаётган эътибори, қолаверса, туркий дунёда бирлик, бирдамлик руҳининг ошиб бораётгани маҳсулидир. Дарҳақиқат, Алишер Навоий – бутун туркий маданият тарихидаги бекиёс ва нодир сиймо. Ул зотни билиш, тарғиб этиш йўлида кўп ва ҳўб саъй-кўшиш кўрсатмоғимиз лозим.



Умедулло МАҲМУДОВ, Самарқанд халқаро технология университети ҳузуридаги Ўзбек тили ва маданияти маркази раҳбари:

– Мавлоно Жалолиддин Румий ҳамда Ҳазрат Алишер Навоий таълиф этган асарлар бамисоли жаҳоирлар уммони. Айни чоғда, уларнинг подшоҳи вазира, аҳли раият, дўсту ақрабolari билан олиб борган ёзишмалари ҳам айрича аҳамият касб этади. Олимлар икки сиймонинг ижтимоий фойлияти билан боғлиқ тарихий далилларни юзага чиқаришда муншаотга алоҳида эътибор қаратиши боиси ҳам шу. Биз ҳам Румий ва Навоий мактуларини қиёсий таҳлил этарак, ёзишмалардаги ўзаро уйғун нуқталарни аниқладик. Алишер Навоий шогирди Абдуллоҳ Марворидга йўллаган мактубида “Оламини обод этишда мусобақалашингиз”, деб таъкидлаган эди. Бир неча асрлик тарихга эга бу ўғит айнан бугунги давр, бугунги инсониятга қарата айтилгандек...

“Ҳикматли калима – мўминнинг йўқотган нарсасидир. Уни қаерда топса ҳам олишга ҳақиқ”, дейилади Имом Термизийдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда. Ҳар бир сатри ҳикматга йўғрилган Румий ва Навоий ижодини яхлит тарзда, ягона тархда ўрганиш бўйича илк қадам қўйилди. Галдаги халқаро анжуманни Ўзбекистонда ўтказиш таклифи кўпчиликка манзур бўлди. Шубҳасиз, бундай илм мажлислари мамлакатлараро дўстона робиталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давра суҳбатини Олимжон ДАВЛАТОВ олиб борди.

ТАЪЛИМ ТАЖРИБАСИ

“БАХТ ИЛМДАН ТУФИЛАДИ”

Ҳа, нидерландларда шундай мақол бор.

Ҳар бир мамлакат тараққиёт қўлами турли соҳаларда олиб бориладиган изчил сиёсат, жумладан, таълим тизимининг нақадар муносиб ташкил этилгани билан ҳам ўлчанади. Жаҳоннинг етакчи давлатларидан бири саналган Нидерландия қироллигида йўлга қўйилган ушбу тизимнинг ўзига хослиги, тажрибаси, услуб-йўриғи газетонларга қизиқ бўлади деган ўй билан кузатувларимизни бир жойда жамладик.

Таълим тизими рейтингини баҳолаб боровчи халқаро ташкилотлар рўйхатида Нидерландия 3-ўринни эгаллаб келмоқда.

Мактаб таълими тизими турли-туманлиги билан ажралиб туради. Одатдаги бепул давлат мактабларидан тортиб, пулли халқаро ўқув юртларига қадар бўлган мактабларни танлаш ҳар кимнинг ўз истаги ва имкониятига боғлиқ. Эътиқод эркинлиги мамлакат тараққиётининг тамал тошига айланган Нидерландияда католик, протестант ва

рияти томонидан молияланса ҳам, ота-оналардан йиллик ихтиёрий ҳисса сўралади. Бу микдор ҳар бир мактабда ота-онанинг даромадига қараб фарқ қилиши мумкин. Тадбирлар ота-оналар кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилади. Мактабларда синфдан ташқари мутотлаа учун махсус комиссия тузилган бўлиб, бу ишга асосан оталар жалб этилади. Улар ҳафтанинг маълум бир кунда ўқувчиларга китоб ўқиби эшиттиришади.

Мактаб маъмурияти маълум



исломий асосга эга бўлган билим масканлари тенгма-тенг фаолият юритиб келади. Шунингдек, болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишидаги ўзига хосликлардан келиб чиққан ҳолда махсус мактаблар тизими ҳам шакллантирилган.

Ота-оналар фарзандларини тўрт ёшга тўлиши ҳамона бошланғич таълим масканига бериш ҳуқуқига эга, аммо 5 ёшдан бошлаб мажбурий бўлиб, бу таълим ўғил ёки қиз 12 ёшга тўлгунча қадар давом этади. Мактабларнинг аксарияти давлат томонидан молиялаштирилиши ва ўқиш мажбурий эканлиги боис ўқувчи узрли сабабсиз ҳатто бир кун мактабга келмаса ҳам ота-оналар жиддий жаримага тортилишлари мумкин. Бошланғич мактабни битириш арафасида ўқувчилар аввалги йиллардаги ўзлаштириши ва давомати натижаларига асосланган тавсия-йўлланма олишади. Бу тавсияларга мувофиқ, ўқувчилар ўрта таълимнинг навбатдаги босқичларида ўқишини давом эттиришлари мумкин бўлади. Масалан, VMBO – ўрта касб-хунар таълимида 4 йил, HAVO – юқори умумий ўрта таълимда 5 йил ва VWO – илм-фан йўналишидаги ўрта таълимда 6 йил машғул бўлишади. VMBOни битирганлар касб-хунар коллежларига, HAVOни тамомлаганлар институтларга ва VWOни муваффақият билан ниясига етказганлар тўғридан-тўғри университетларга йўлланма олишади.

Нидерландияга янги келган хорижликларнинг ҳали бу тилда сўзлаша олмайдиган фарзандлари ҳам 4 ёшдан бошлаб 7 ёшгача оддий мактабга қатнаб, қўшимча қўллов ёрдамида ҳолланд тилини ўрганишади. 7 яшар хорижлик болалар “schakelklas” (оралиқ синф) ёки “nieuwbomersklas” (янги келганлар синфи)да тил ўрганиб, сўнг 12 ёшга қадар бошланғич таълим олишади. 12 яшар янги келган болалар эса “Eerste Opvang Anderstaligen” (ўзга тиллилар учун дастлабки мактаб)да ўқишларига тўғри келади ва бу ҳолатда бошланғич таълим муддати яна бир йилга қўзилиши мумкин.

Айтиш жоиз, мактабларда мунтазам тарзда ўқувчилар учун турли тадбирлар ва экскурсиялар уюштириб турилади. Бундай тадбирларнинг аксар қисми мактаб маъму-

формаларда келишларини ўқувчилардан асло талаб этмайди, болалар ўзлари учун қўлай кийимларда дарсларга қатнашаверади. Эътибор ўқувчиларнинг ўзларини эркин ҳис этиб, чуқур билим олишларига қаратилган бўлиб, тозаллик ва озодаликка алоҳида аҳамият бериледи.

Айтиб ўтганимиздек, бошланғич мактаб битирувчилари VMBO, HAVO ва VWOда ўқишларини давом эттириб, булардан сўнг касб-хунар коллежлари, институт ва университетларда ўзлари танлаган мутахассисликка эга бўлишади. Яна бир қизиқarli жиҳати шундаки, ўша ўрта таълимни ниясига етказган, аммо келгуси ҳаётининг босқичлари ҳақида ҳали тайинли режа қилмай турган ўғил-қизларнинг айримлари “tussenjaar” (оралиқ йил ёки академик таътил) имконидан фойдаланиб, шу йил давомида ўз имконияти ва истакларини пухта ўйлаб кўришади ҳамда орадаги бир йиллик танаффусдан сўнг ўз қарорларига мувофиқ касб-хунар ёки олий таълим йўналишида ўқишни бошлашади ҳамда ўзларининг келажак ҳаётлари биносини тиклашга жидду жаҳд ила киришишади.

Англаганимиздек, Нидерландия таълим тизимида ўқувчининг шахсий эҳтиёжлари ва имкониятларига мослашув, эркин муҳит, ота-оналар билан ҳамкорлик ва катта ҳаётга тайёргарлик масалаларига кўпроқ эътибор бериледи. Бу тизим тарбия ва таълимни бир бутун жараён сифатида кўриши билан аҳамиятлidir.

Ўзбекистон таълим тизимида ҳам тарбия масаласига жиддий қаралади. Бинобарин, болани фақат билим эмас, ахлоқ, ташаббускорлик ва жамиятга фаол бўлишга ўргатиш замон талабидир. Бу борада жадидларнинг таълимга бўлган илғор қарашлари – муаллим шахсий намуна бўлиши, тарбияда маънавий асосларнинг устуворлиги, дунёқарашни миллий қадриятлар асосида шакллантириш каби тамойиллардан ўрнат олиш, аиникса, муҳимдир. Биз бу мезонларни кўплаб ривожланган давлатлар таълим тизимида учратишимиз мумкин. Жумладан, Нидерландияда ҳам.

Шаҳодат УЛУҒ,
Нидерландия қироллигидаги ўз муҳбиримиз



Бошланиши 1-саҳифада.

Ушбу монументнинг рамзий китоб шаклидаги саҳифаларида қуйидагича битикларни ўқиймиз:

“Қўрқув ёнимизда эди, лекин Ватанга муҳаббат кучлироқ эди”.

“Ҳа, қўрқинчи эди. Лекин чекинишга йўл йўқ, ортимизда Ватан бор эди”.

“Ҳар бир қадам оғрик берарди, лекин, ортга йўл йўқ”.

“Мен болаларим урушсиз яшадини орзу қилардим”.

“Мукофот учун эмас, Ватан учун, болаларимиз учун жанг қилдик”.

“Миллат фидойилари” боғи

Мустақиллик йилларида Ватан ҳимояси йўлида жон фидо қилган ҳарбийлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Ғалаба боғи” таркибида “Миллат фидойилари” боғи ҳам барпо этилди.

Композиция Давлат байроғида тасвирланган ярим ой ва 12 та юлдуз кўринишида жойлашган. Ярим ойнинг олди тарафидаги фавворадан шаршара кўринишида сув оқиб туради, орқада фарзандини ҳарбий хизматга кузатган ота-она сиймоси ва унинг икки ён тарафида куч тузилмалари ҳарбий хизматчилари ва ходимлари барельефи ўрнатилган.

Ярим ойнинг орқа томонидида ҳайкаллар композицияси жойлашган бўлиб, унинг марказий қисмида 50–55 ёшлар атрофидаги ота ва она тимсоли акс этган. Бу тимсол орқали Ота-Она меҳр ва садоқат рамзи сифатида тасвирланган.

Комплекснинг орқа қисмида ўрнатилган арка муқаддас қадриятлар ва шафқат рамзи. Тишланган нон эса ўзбек оиласининг фарзандига бўлган умиди, меҳри ва интизорлиги бўлиб, “Ой бориб, омон қайт!” деган халқ дуосини ёдга солади.

Арканнинг чап томонидида хизмат бурчини ўтаётган фарзанднинг мактублари тасвирланган бўлиб, улар орқали ота-онага бўлган меҳр, ҳалол хизмат ва садоқат ифодаланади.

Ўнг тарафда Шердор мадрасаси безакларидан илҳомланиб яратилган шер тимсоли жойлашган. Бу тимсол жасорат ва ўз сўзининг устидан чиқадиган халқ фарзандларининг рамзи.

Ота ортидаги чироқ умид ва ўчмас хотира рамзи сифатида алангаланиб туради. У халқ хотирасида абадий ёниб турадиган муҳаббат ва фидокорлик тимсолидир.

Меҳроб олдидаги миллий услубда ишланган икки устун – миллий ғояларга суянган давлатнинг таянчи, Она ҳайкалининг чап орқа томонидида жойлашган бешик – ватанпарвар ва жасур фарзандлар тарбия топган муқаддас уй муҳитини ифодалайди. Ёнига тахланган кўрпа-тўшаклар эса ота-онанинг фарзандига бўлган умиди, тинч ва фаровон ҳаёти ҳақидаги орзу-армонлар жамланмасидир.

Ушбу мажмуа она юртимизга уюштирилган террорчилик ҳуружлариға қарши курашда, шунингдек, ўз ҳарбий бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган аскар ва офицерларнинг қутлуғ номлари ва ўчмас хотирасини абадийлаштиради.

Ота ва Она ҳайкалининг чап томонидида Мудофаа вазирлиги ҳарбийлари тасвирланган. Улар чин маънода Ватан ҳимоясининг тўлақонли рамзи.

Ҳарбий учувчи катта лейтенант Шермуҳаммад Аширов қиёфасида ҳарбий-ҳаво кучлари гавдаланса, унинг ёнида ўқчи кичик сержант Юнус Охунов образида ҳужумга шайланиб турган жангчи сурати намоён.

ЖАСОРАТНИНГ ТИРИК ЁДНОМАСИ

Марказдаги сержант Улуғбек Барноевнинг юзидаги шижоат, ишонч ва бошқарувчанлик қобилияти Ватан ҳимоясининг марказий таянчи сифатида садоқатни ифодалайди. Лейтенант Сайёр Садиновнинг белидаги автомат, сокин ва хушёр жангчи руҳиятини очиб беради. Жангчи-фельдшер сержант Қахрамонжон Мадолимов мисолида эса нажоткорлик, руҳий мадад тасвири акс этган.

Мажмуа фон қисмида тасвирланган тоғлар – мамлакатимиз барқарорлиги ва табиий ҳимояси рамзи бўлиб, самолёт, вертолёт ва танклар юртимизнинг ҳарбий қудрати, стратегик салоҳиятидан дарак беради.

Композициянинг кейинги қисмида Давлат хавфсизлик хизмати ходимларини, айниқса “Меҳр” операциясида фаол иштирок этган мард ўғлонлари кўришингиз мумкин. Улар Суриядаги уруш ўчоғида қолган ота-онасиз

нафар ходими, хусусан подполковник Малика Қаряғдиева алоҳида эътирофга лойиқ. У божхона тизимидаги илк аёл ходима сифатида жонқуярлик ва фидойиликнинг тимсоли.

Композициянинг ўнг қанотида – Ота-она сиймосининг ёнида Ички ишлар вазирлиги ходимлари тасвирланган. Чап томонда полковник Баҳодир Ҳошимов мардонавор қиёфаси, синчков нигоҳи билан кўриниш беради.

Сапёр эса махсус ҳимоя кийимида тасвирланиб, у портлаш ва хавфли ҳолатларға қарши курашдаги жасорат намунасидир. Қурол кўтарганча ўқ ўтказмайдиган камзул кийган аскар хушёрлик ва жанговар тайёргарлик ифодасидир. Тўртинчи аскар эса ҳимоя қалқони, юзида ниқоб ҳамда ўқ ўтказмайдиган зирхли либосда.

Бешинчи жойдаги патруль-пост хизмати ходими – жамият тинчлиги ва хавфсизли-

улар давлат суверенитети, халқ иродаси ва сиёсий барқарорликка ишоради.

Кейинги қисмдан Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ходимларининг ҳайкаллари ўрин олган. Бу саҳна кишида инсонпарварлик, масъулият ва тезкорлик туйғуларини уйғотади. Ҳар бир образ – фавқуллода ҳолатларда жонқуярлик кўрсатган, инсон ҳаётини сақлаб қолишга жон-жаҳди билан курашаётган қахрамонлар ҳақида сўзсиз ҳикоя қилади.

“Миллат фидойилари” боғидаги 12 та юлдузнинг бир ён тарафиға мустақиллик йилларида Ватан ҳимояси йўлида қахрамонларча ҳалок бўлган 196 нафар ватандошимиз номи қайд этилган. Юлдузларнинг иккинчи ён тарафида ўрнатилган 60 дона мониторда эса сизу бизнинг тинчлигимиз эвазига жонидан кечган қахрамонлар, уларнинг фаолияти акс этган фото ва ви-

Ишончим комил, юзлаб марҳум баҳодир ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг номлари зарҳал ҳарфлар билан муҳрлаб қўйилган ушбу муҳташам бадий обиди эл-юртимиз чин дилдан интиладиган ва фахрланадиган яна бир мўътабар маскан бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



болаларни Ватанга олиб келишдек юксак миссияни бажарган қахрамонлар сифатида жонланади. Шунингдек, икки нафар прокуратура ходими – ҳуқуқ-тартибот тизимига хос профессионаллик, ҳолислик тамойилларини намоён этади.

Композициянинг навбатдаги қисмидан суд тизими ва божхона органлари ходимлари образлари жой олган. Суд ходими чап кўлида китоб, ўнг кўлида суд тахтасини ушлаб турган ҳолда тасвирланиб, у қонун устуворлиги, билим ва ҳолислик масъулиятини ифода этади.

Унинг орқа фонидида адолат рамзи – тарози тасвири суд ходимининг қарор қабул қилишдаги адолати, садоқати тамсил. Шунингдек, Давлат божхона қўмитасининг тўрт

ғина таъминлашдаги доимий хушёрлик ва садоқат рамзи.

Композициянинг навбатдаги қисмида Миллий гвардиянинг тўрт нафар аскарлари тимсол сифатида гавдаланган. Уларнинг қиёфаси, жасорати орқали қонун устуворлиги, жамият хавфсизлиги ва тинчлиги йўлидаги садоқат ифодаланади.

Ундан кейинги ҳайкаллар Президент давлат хавфсизлик хизмати ходимлариға бағишланган. Уларнинг мустаҳкам иродаси ва диққат билан ёндашуви Ватан олдидаги шарафли масъулиятни, қўйилган вазифаға бўлган юксак садоқатни таъкидлайди.

Композициянинг орқа фон қисмида Янги Ўзбекистон боғидаги Мустақиллик Стелласи ва Олий Мажлис биноси акс этган бўлиб,

део материаллар намоиш этиб борилади.

Хулоса қилиб айтсак, “Ғалаба боғи” ва “Миллат фидойилари” мажмуалари моҳиятан Ватан ҳимояси йўлида шаҳид кетган қахрамонлар хотирасини абадийлаштириш, ёш авлодда ватанпарварлик, жасорат ва садоқат туйғуларини уйғотишға қаратилган муқаддас маскандир. Ҳар бир ҳайкал, тимсол ва рамз орқали эл-юртимизнинг шонли тарихи, миллий қадриятлари ва фидокор фарзандларининг ҳаёти ифодаланади. Бу мажмуалар нафақат миллий хотирамиз, балки бугунги тинчлигимиз, эртанги келажагимиз учун ҳам ўзига хос бетақрор сабоқ сифатида ғоят қадридлир.

Бобур ЭЛМУРОВО,
капитан

Бошланиши 1-саҳифада.

Бир қарашда оддий, кундалик манзаралар – кўз кўниккан бу тасвирлар ортида чуқур ижтимоий ва маънавий муаммолар ётибди. Таассуф, биз қачонки жиддий экологик фалокатлар, хавотирли статистик маълумотлар тақдим этилган маҳалдагина ёқа ушлашға ўрганиб қолдик. Бу иллатнинг номи нима?

Ҳар бир инсоннинг табиатга нисбатан эҳтиётсизлиги, арзимасдек туюлган бепарволиги жамланиб, улкан салбий оқибатларға олиб келиши мумкин. Биз ўз худбинлигимиз, танбаллигимиз, калтафаҳмиллигимиз, фаросатсизлигимизни оқлайдиган турли-туман рўқачлар ўйлаб топишға устамиз. Ҳашар кунлари кўчамиздаги ариқча четига қадалган кўчатға бир қўлтум сув қўйишға ярамай, вақтимиз тигиз эканини пеш қиламиз. Аслида кун узоғи телефонға қўшқўлаб ёпишиб, барғни барғга, мевани меваға хиллаб, “учмунчоқ” ўйнаб “slot” учун соатлаб беҳуда вақт сарфлашға эринмаймиз. Очингани айтсам, интернет олами ва реал ҳаёт орасидаги биз каби оворалар шахсиятида инерт туйғу – ҳозирги сония билан яшаш, одамовилик, хонанишлик, виртуал бангиллик жамланмаси тез суръатда шаклланиб борапти. Ана шу дарди бедавоға чалинган “зед”



авлод эртаға ватан ва миллат тақдири учун қайғурадиган, юртини ҳимоя қила оладиган, фарзандларига тарбия беришға лаёқатли қатлам сифатида шакллана оладими? Биз бугун ана шу ҳақида бош қотиришимиз керак. Менимча, бу муаммонинг маълум маънодаги ечимини яна ўша виртуал оламдан қидириб, ёшларимиз руҳияти ва қизиқишини инобатға олган ҳолда миллий медиаконтентлар яратишимиз керак. Бу борада, аввало, табиат бу шунчаки манзара эмас, балки тирик организм ҳамда айни пайтда бизнинг тирикчилигимиз манбаи эканлигини жону жиесмиға

сингдириб бориш тақозо этилади. Ана шу тариқа экосаводхонлик асоси яратилади, экомаданият шакллантирилади.

Статистикаға кўра, ҳар йили дунё бўйича 350 миллион тонна пластик чиқиндилар ҳосил қилиниб, шундан 2 миллион тоннаси сув ҳавзаларига ташланар экан. Бу кўрсаткич тахминан 0,6 фоизға тўғри келади. Қизик, дунё даражасида олинган бу рақам тақсимоти бизнинг бағрикенг диёри-мизға қандай нисбат тақдим этаркан? Чунки истаган сув ҳавзасига, хоҳлаган дам олиш масканига назар ташласангиз, ўта аянчли аҳволни

“МЕНИКИ, СЕНИКИ, УНИКИ” ЭМАС, БАРЧАМИЗНИКИ

кўришингиз тайин. Маълумки, бу чиқинди тури юз йиллаб чиримайди. Майдаланиб микропластикка айланади ва сув, тупроққа сингиб, тирик организм ҳаётиға хавф туғдиради.

Илгари битта соғлом дарахт бир кунда тўрт нафар инсон учун етарли кислород ишлаб чиқаради, деган ташвиқот тушунчаси бор эди. Бугун маълум бўляптики, бир инсон йилиға тахминан 740 кг кислородға муҳтож. Дарахт кун давомида, яъни қуёш чиққанидагина рўй берадиган фотосинтез жараёнида карбонат ангидрид ютиб, кислород чиқаради. Илмий маълумотларға кўра, битта соғлом дарахт йилиға тахминан 100–120 кг кислород ишлаб чиқаради. Демак, ҳар биримиз тўлақонли нафас олишимиз учун соғлом 7-8 та дарахт зарур экан. Буни аҳоли сонига кўтарсак, 270 миллиондан ортиқ оғоч ўстиришимиз керак бўлади. “Gazeta.uz” электрон нашри далолатига кўра, ҳозирда мамлакатимизда 250 миллион атрофда дарахт кўкпа турибди. Лекин

уларнинг қанчаси тўлақонли кислород манбаи саналади-ю, қанчасининг ўзи ҳавоға муҳтожлигининг ҳисоб-китоби йўқ. Баҳарнав, қуруқ чамаланганда ҳам 20 миллион атрофида дарахт тақчиллиги юзаға чиқаяпти. Бир дарахт кессанг, ўнта эк, деган нақл бугун ўта долзарб аҳамиятға эғалигича қолмоқда.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар ҳам энди назарий эмас, кундалик ҳаётда ўзини яққол намоён қила бошлади. Об-ҳавонинг кескин ўзгариши қишлоқ хўжалиги, сув таъминоти, ўз-ўзидан инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Нафас йўли касалликлари, юрак-қон томир хасталиклари, аллергия эпидемияси ва пайдо бўлаётган кўплаб вирус иллатлари айна носоғлом экологик вазият билан боғлиқ.

Биз муаммо ва унинг оқибатларига тўхталялмиз. Хўш, ечим қаерда? Ўзимизда! Табиатни асраш йўлидаги энг муҳим қадам ҳар ким ўзгаришни

ИШОНЧ ВА ШУКРОНА АЙЁМИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Чунки бу сиёсий сана ўзига хос сарҳисоб бўлибгина қолмай, истиқболдаги режаларимизни ҳамда халқимизнинг кайфиятини ҳам белгилловчи омилдир, – деди Кинематография агентлиги директори, профессор Шўрат Ризаев. – Бизнинг киночилар ҳар бир шарафли айём арасида муносиб туҳфа ҳозирлашға одатланган. Чунончи, бу йил Хотира ва қадрлаш кунини арасида Алишер Навоий номидаги миллий киносаройда Иккинчи жаҳон урушида ватандошларимиз кўрсатган жасорат ва матонат намуналари акс этган қатор фильмлар намоишиға қўрилган киноҳафталик муваффақиятли ўтказилди. Муваффақиятли деб таъкидлаганимнинг сабаби шуки, бу фильмлар ойинаи жаҳон орқали, You tube платформасида қайта-қайта намоиш этилганиға қарамасдан, кинозалларимиз томошабинлар билан тирбанд бўлди. Демак, халқимиз оиласи билан кенг ва замонавий кино саройларда маданий ҳордиқ чиқаришни истаяпти. Ана шу эҳтиёжни ҳисобға олиб, бу йил Истиқлол тантаналари арасида ҳам миллий ватанпарварлик фильмлари ойлигини ўтказиш режамиз бор.

Йигилишда адабиёт, маданият ва санъат соҳасида фаолият юритаётган ижодкорлар олдида халқимизни бирдамликка чорловчи, юртсеварлик руҳини кўтарувчи юксак асарлар яратиш, бош байрамимизни юқори савияда ўтказиш вазифаси кун тартибиди тургани алоҳида таъкидланди.

Ижодий гуруҳға тез суръатда байрам концепциясини тайёрлаш, хорижий тантаналар ўтказиш тажрибаларини ўзлаштириш, худудлардаги театр ва санъат вакиллари имкониятларидан кенгрок фойдаланиш, Марказий Осиё халқлари бирдамлигини бадий чиқишларда акс эттириш, саҳна безакларини жаҳон андозалари асосида такомиллаштириш ҳамда таъсирчан, бадий баркамол куй-қўшиқлар яратиш чора-тадбирларини кўриш топширилди.

Бу байрам ҳақиқатан умумхалқ сайли сифатида мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси орзиқиб иштирок этадиган ва юракларда ўчмас из қолдирадиган ғурур ва ифтихор, ишонч ва шукрона айёмиға айланиши керак.

Ўз мухбиримиз.

ўздан бошлашди. Оддий кундалик одатларни ўзгартириш, масалан, сувни тежаш, электр энергиясидан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни тўғри саралаш экологик ҳолатни яхшилашда катта аҳамиятға эға. Қайта ишлаш мумкин бўлган чиқиндилар (пластик, қоғоз, шиша, металл) алоҳида ййигилса, қайта ишлашға имкон яралади.

Йўлларда жамоат транспортиға устуворлик бериш, пиёда юриш ёки велосипеддан фойдаланиш атроф-муҳитға чиқариладиган зарарли моддалар миқдорини камайтиради.

Ҳар биримизнинг табиатни асрашға қўшадиган кичик ҳиссамиз умумлашиб, улкан улушға айланиши тайин. Бу борада экомаданият ниҳолининг илдизи таълим ва тарбияға боғлиқлиги, яъни болалар боғчасидан тортиб, мактаб ва олий таълим муассасаларигача бўлган барча тизимда ёш авлод кўнглида табиатға меҳр уйғотиш зарурати барчамизға аён. Президентимиз таъкидлаганларидек: “**Фарзандларимизни ёшликдан бошлаб она табиатни севиш, уни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашимиз керак. Бу – ҳар бир ота-онанинг, ҳар бир педагогнинг муқаддас бурчидир**”.

Давронжон АБДУЛЛАЖОНОВ



ЁРУФ ХОТИРА

Саид Шермухамедов 1930 йил 12 майда Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида туғилган. 1948–1953 йилларда Самарқанд давлат университетида таълим олган. Ўқиниш тугатиб, ушбу университет аспирантурасида тахсилни давом эттирган. Фалсафа фанининг долзарб масалалари бўйича 1960 йилда номзодлик, 1974 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1994 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланган.

Саид Шермухамедов ўзининг 60 йилдан ортқ меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходими, илмий котиби, директор ўринбосари, республика маориф вазири, Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, Ўзбекистон Миллий университетининг кафедра мудури каби масъулятли лавозимларда самарали хизмат қилган ва юртимизда фалсафа фанига доир масалаларни илмий тадқиқ этиш, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишида фаоллик кўрсатган. Саид Шермухамедовнинг раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.



ШИЙПОН СУХБАТЛАРИ СОҒИНЧИ

Ёзувчи Антон Чеховга доир хотираларда айтилишича, касби врач бўлган иқтидорли бу ижодкор мухлислар, адабиётшунос олимларнинг: “Сиз ҳикояларнингиздаги ажабтовур персонажларни қаердан топасиз?” деган саволига җамаиша: “Мен уларни уйимга қақирган таниш-нотаниш меҳмонларим, бемор мижозларим, кўчаларда санқиб юрадиган бекорчи сўтаклар, ичкилик деса, ўзини томан ташлайдиган мазохўрақлар, қиморбозлар, яқинларидан қарз олиб, қочиб юрадиган валакисаланглар, давраларда кўр ташлаб ўтирадиган сатанг хонимлар орасидан қидираман ва, албатта, топаман”, дер экан. Ҳа, бу дунёда ким нимани қидирса, шунини топади, кимни изласа, унга эртами-кечми, албатта, дуч келади.

Шаҳар адоғида жойлашган бу шифохонада даволанаётган таниқли ёзувчи, рассом, санъаткор, машхур олим, қаҳрамон юртдошларимиз билан кўп бор суҳбатда бўлганман. Ҳовлидаги шинам шийпонда бўладиган самимий суҳбатлар шаҳарда бир неча кун тайёргарлик кўриб ўтказиладиган ижодий тадбирлардан асло қолишмайди.

Юз ёшлик умри арафасида оламдан ўтган Раҳмонкул Курбоновдан эшитганларимнинг ўзи катта бир китоб бўлади. Бугун даволанишга бориб, шу шийпон ёнидан ўтаётганимда унинг ўймали устунлари ҳозиргача устоз Саид Аҳмаднинг латифалари боис кўтарилган қаҳқаҳадан титраб тургандай туюлади. Эркин Воҳидовдан эшитган ва ёзиб олганларимнинг кўпини ҳали юзга чиқарганим йўқ. Ўзи даволанаётган, аммо уни кўргани келадиган дўстларини ўйлаб, хонага җамаиша тўй дастурхони тузаб қўядиган Муртазо Султоновнинг хангомалари ҳам вақти-соати билан қозога тушиши керак...

Таниқли файласуф олим Саид Шермухамедов билан биринчи марта шу шифохонада учрашганман. Қатъиятли, фикри тиник, мушоҳадалари босиқ-вазмин олим. Фалсафа йўналишида ўша йиллар талабидан келиб чиқиб, кўп олимларга устозлик қилган. Улар орасида садоқатлиларини ва бу масалада сел мундайроқлари ҳам бор. Домла билан мулажа хоналарида учрашиб қолсак, ёнларидан одоб билан, салом бериб ўтамиз, навбат берамиз. Бир куни Саид ака йўлакда бу ерга ташқаридан тақлиф қилинган таниқли шифокорни кутиб ўтирган эканлар, мен ҳам шу мақсадда эдим, саломлашиб, ёнларига чўкдим. Бироз гаплашганимиздан кейин у киши: “Менга қара, йигитча, сен телевизорда оламда нима гапланини гапирадиган журналистмисан?” деб сўраб қолди. Бу гап қўлоғимга ёқимли эшитилди, “Ҳа” дедим. “Ўзимиздан ҳам шарҳловчилар кишии керак-да, яхши, дикциянг дуруст”, деди ва дарҳол саволга тутди: “Қаерликсан?...”

Шу суҳбат баҳона муолажалар навбатида гаплашиб турадиган бўлдим. Орадан йиллар ўтди. Саид ака улугъ ёшга етиб, бу дунёнинг не-не мансаблари ташвишидан қутулиб, шифохонанинг нафақадаги фаол мижозларидан бирига айланди, шундан кейин суҳбатларимиз шифохона йўлакларидан ҳовлидаги бугун ҳам гавжум шийпонга кўчди.

Бир шийпоний суҳбатимизда Саид ака менинг газетда чиққан мақоламга кўз ташлаган экан, “Сиз Чингиз Айтматов билан таниш экансиз-да?” деб сўраб қолди. “Сиз...” деганларидан ўнгайсизланмадим. Чунки ўшанда мен бугунги оқсоқол Саид Шермухамедов бир вақтлар ёшлик шиддат ва шижоати билан ишлаган, катта сиёсат йўналишларини ҳар жиҳатдан белгилаб берадиган марказқўмга ишга ўтгандим. Лавозим ҳар қандай камтарин кишига ҳам маълум дадиллик бахш этади. Саволга дадил жавоб бердим, Чингиз

оға билан қандай танишганимни, қирғиз тилида ҳам гаплаша олишимни, адиб публицистикаси мавзусида илмий иш ёзмоқчилигини айтдим. Домланинг қўйидаги сўзлари ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди: “Бу ёзувчи узоққа боради. Фалсафаси чуқур, Ўзбекистонга меҳри бошқача. Дадиллигига қойилман. Илмий ишни тезлаштиринг, ука...”

Шундан кейин ҳар йили бир марта, баъзан икки марта шу қадрдон шийпонда бўладиган учрашувларимизда баҳс мавзуси анча жиддийлашди. Чингиз оға ҳақида кўп гаплашдик. Файласуф олим Омонилла Файзуллаевнинг Чингиз Айтматов билан самолётдаги суҳбатини адабиёт газетасида эълон қилган эдик, Саид ака ўқиган эканлар, бу суҳбатни шийпонда ўзимизча давом эттирдик. Бир гал Саид ака: “Укажон, илмий иш нима бўлди?” деб сўрадилар. Мен бетўхтов: “Ёзялман” дедим. Бошқа бир гал: “Чингиз Айтматов публицистикаси яхши мавзу, аммо унинг фалсафий қарашларини танлаганингизда ҳўб иш бўларди-да”, деб қолдилар. Шу тақлиф баҳона суҳбатларимиз янада жиддийлашди. Мен домлага аввалги эътирофини эслатиб, адибнинг халқимизга алоҳида ҳурмати ҳақида батафсил сўзлаб бердим. Чиндан ҳам, Чингиз Айтматов Ўзбекистон ҳақида, халқимизнинг юксак ақл-заковати, тарихи, буюк аждодлардан қолган бой маънавий-илмий мероси ва келажаги тўғрисида кўплаб мақолалар ёзди, қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўхна Византиянинг қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслади.

Бошқа бир мисол. 1990 йили Ўш ва Ўзганда қонли қиргин содир бўлганида Чингиз Айтматов айрим адиблар сингари ўзини четга олмади. Можародан жафо чеккан ҳар икки томоннинг дардига дарддош бўлиб, улар ёнида турди. Икки туркий қавмни тўқнаштириш аслида қимматга керак бўлиб қолганини куюниб, ички бир изтироб билан тушунтирди, радио ва телевидениеда чиқишлар қилди, матбуот саҳифаларида мақолалар ёзди. “Биз тарихни қанчалар ўзимизга маъқул томонга буришга уринмайлик, у ҳеч қачон аслидагидан бошқача бўлиб қолмайди, — деб ёзган эди у “Известия” газетасида эълон қилинган “Жаҳаннам узра қарғалар фарёди” мақоласида. — Миллий низолар шуниси билан кўрқинчлики, ҳар бир тараф одамлар бошдан кечираётган азоб-уқубатларни фақат миллий белгига кўра, ўз йўқотишлари ва даъволарига кўра қабул қилади. Оқибатда, кўр-кўрона ўч олиш истаги жўш уради, бу бениҳоя даҳшатли бир юқумли касаллик — нафрат вабосини уричтиради. Нафрат вабо каби уричгандан сўнг, худди тоғдан тушган сел оқими янглиғ, бир зумда асрлар давомида шаклланган ақл-идрокини босиб-янчиб, суриб кетади. Халқнинг фожиаси бу. Шунда қасос олишга интиланган тарафлар ўртасига тушган ҳар ким улар учун ҳам, булар учун ҳам душманга айланади. Бу энди яраштирувчининг фожиаси”.

Саид домла жўшиб кетдилар, қўлдаги ҳасани ерга қаттиқ нуқиб, “Аҳмаджон, мана туркий дунё ўғлонининг фалсафаси, мана, гап қаерда, э, отасига минг раҳмат, зўр гапларни айтган экан...” дедилар. Бу суҳбат 2015 йилнинг кузида — сихаттоҳ ҳовлисидagi дарактлар сарғайган барглари-ни бирин-кетин тўка бошлаган, олмахонлар қишга егулик ғамлашни бошлаб юборган пайтда бўлиб ўтганди. Афсус, бу менинг домла билан сўнгги суҳбатим экан. Кейинги йилнинг баҳори ўрталарида устоз оламдан ўтдилар. Бу совуқ хабарни Саид отани яқиндан билган уч-тўрт киши ўша қадрдон шийпонда эшитдик ва қўлимизни дуога очдик.

Охиратлари обод бўлсин.

Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ

ОЛИМПНИ ЗАБТ ЭТГАН ОЛТИНБОШ АВЛОД

Бошланиши 1-саҳифада.

— Лицейимиз 1997 йилда фаолият бошлаган, — деб бизни кириш зали бўйлаб етаклаб кетди профессор. — Дастлаб фақат иккита гуруҳ очилиб, бор-йўғи 50 та ўқувчи тахсил олган. Икки йилдан сўнг академик лицейга ўзгартирилиб, уч йиллик тизимга ўтилди. Шундан буён ҳар йили 200 нафар ўқувчи имтиҳон асосида қабул қилинади. Шу кунгача ўн мингдан зиёд битирувчини кузатдик. Уларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи деярли юз фоиз.

Кириш зали хийла катта бўлиб, деворга тарихий суратлар ва эришилган ютуқлар ёрлиқлари музейдаги сингари тадрижий кўринишда илби қўйилган. Домла бир бошдан таништира кетди:

— Ўзбекистон учун бугун барча халқаро мусобақаларга, жумладан, фан олимпиадаларига ҳам эшиклар росмана очилди. Келинг, яқин тарихимизга бир кўр назар ташлаб олайлик... Биласиз, Менделеев олимпиадаси фақат кимёгарлар учун. Биологиядан ҳам алоҳида жаҳон олимпиадаси бор. 21-Халқаро олимпиада Жанубий Кореяда ўтказилиши керак эди. Тайёргарликни астойдил бошлаб юборган бир пайтимизда, тақдирни қарангки, Американинг Сиэтл шаҳрига амалиётга борадиган бўп қолдим. Рейс Жанубий Корея орқали экан. Шу оралик бекатда бизни Ўзбекистоннинг Кореядаги элчиси кутиб олди. Фурсатдан фойдаланиб қолдим. “Бу йилги мусобақа Пусанда ўтказилар экан, ҳали бундай беллашувда биздан бирорта вакил қатнашмаган. Шу эзгу анъанани биз бошлаб кетасанми. Шу эзгу анъанани биз бошлаб кетасанми, олимпиадага қатнашшимиз учун Корея ҳукуматидан рухсат олиб берсангиз”, деб элчидан илтимос қилдим. Қўшма Штатларда ўн кун малака ошириб, ватанга яна Корея орқали қайтадиган бўлдик. Бу сафар элчи бизни хўшхабар билан кутиб олди: рухсат берилибди! Олимпиада ўтадиган вақт июль ойига — айни таътил кунларига тўғри келди. Менгаям юракдан Худо берган экан-да! Вазирлиқдан рухсат олмадим, чунки сўраганим билан розилик бериши маҳол эди. Ўзингиздан қолар гап йўқ, 10-йилларда вазирларда дард бор эди-у, дармон йўқ эди. Иқтисодий масалани ҳал қилиш имкони берилмаганди. Шарт ёнимга битта ёрдамчи ўқитувчи ва уч ўқувчимни олиб, уларга ўзим қафил бўлиб, ё таваккал деб Кореяга учиб кетдик. Бу сафар ҳам элчимиз ҳозирлик кўриб қўйибди: автобус тайёр, олдидан байроғимиз ҳилпираб турибди. Шундай қилиб, мусобақа бўлиб ўтадиган Пусан шаҳрига йўл олдик. Биз учун буюртма қилинган меҳмонхонага жойлашиб, эртасига тантанали очилиш маросимига қатнашдик. Саксонча давлат жамоалари билан бирга ўқувчиларим байроғимизни кўтариб майдонга чиқиб келишди. Ўша пайтда ичимдан ўтган туйғуларни таърифлаб беролмайман. Ишонсангиз, кўзимдан ёш чиқиб кетди.

Бир дам кўз олдида ўша ҳаяжонли дақиқалар қайта жонлангандай, профессор бир муддат девордаги суратга тикилиб қолди.

— Байрам тантаналари зўр ўтишга ўтди-ю, кейинги ишлар мени хавотирга солиб қўйди. Бир маҳал ҳакамлар гуруҳидан иккита вакил келиб, рухсатнома сўраб қолса бўладими?! Билсак, мусобақада қатнашиш учун биринчи йили кузатувчи мақомида бўлиш, кейин Олимпда Кўмитасининг рухсати билан қатнашиш мумкин экан. Музокара бошланди. Жамоамиз иштирок этиш-этимаслиги муҳокамага қўйилганда ҳакамларнинг 80 фоизи қарши овоз бериб, бизнинг ҳаракат Олимпиада низомини бузиш дея баҳоланди. Қарасам, иш чаппасига кетяпти. Ҳали болаларнинг ўзи беҳабар, ота-оналари умид билан кузатиб қолишган, қолаверса, ўртада ватан шаъни турибди. Ғужурим келди, шарт минбарга чиқдим! Ўзбекона нутқ ирод қилдим. “Шунақа, шунақа... Шунча йўл босиб келдик, болаларнинг руҳи тушмасин!” дедим. Гапларим таъсир қилди чоғи, иккинчи бор муҳокамага қўйилганда ҳакамлар ҳайъатининг 75 фоизи бизни ёқлаб овоз берди. Мусобақанинг биринчи куни назариядан сино бўлди. Ўқувчиларим деярли энг юқори — 50 дан 47 балл тўплашди. Иккинчи куни ҳам 100 дан 96-97 балл олдик. Лекин учинчи куни амалий лабораториядан қоқилдик — 400 дан бор-йўғи 36 баллгина йиғибмиз. У ерда, масалан, микроскопга ҳаширот қўйилади, сиз митти организмнинг ички органларини батафсил тушунтириб беришингиз керак. Очиғи, болалар туғул, ўзимиз учун ҳам янгилик бўлди. Биз ўқувчиларга тест ечиш техникасини ўргатибмиз-у, лабораторияда амалий ишламабмиз. Шу жойда хатомизни англадим, ана шунда мени учун биринчи йили кузатувчи бўлиб бориш кераклигини тушуниб етдим. Пировард натижа қониқарли бўлмаса ҳам, кейинги олимпиадалар учун пойдевор қўйиб келдик. Катта тажриба билан қайтдик. Шу баҳона Ўзбекистон биология фанидан Жаҳон Олимпиада Кўмитасининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.



Профессорнинг бир шогирди устозни “Олимп чўққисига Ўзбекистон байроғини ўрнатган биринчи инсон”, дея ошиғич таъриф берганди. Ҳозир шу гап ҳаёлимдан ўтиб, ичимда “Айтишганича бор экан”, деб кўяман.

— Шундан кейин кимё фанидан ҳам дунёда энг нуфузли халқаро олимпиаданинг пайига тушдим. Мазкур мусобақага кейинги йили Туркия мезбонлик қилар экан. Бу сафар ўзбошимчалик қилмай, таълим вазирининг ҳузурига кириб, маслаҳат солдим. “Ўтган йили биология фанидан Жаҳон олимпиадасига бориб, байроғимизни ўрнатиб келдим. Энди навбат кимёга келди. Бунда ҳам дастлаб кузатувчи мақомида боришимиз керак. Шу ишда менга рухсат бериб, амалий ёрдам кўрсатсангиз”, дедим. Вазир тақлифимни қўллаб-қувватлади, бажонидил рухсат беришини айтди, лекин бориш-келиш харажатлари учун пул ажратма олмаслигини, йиллик режага киритилмаганини афсус билан таъкидлади. “Майли, рухсат олиб берсангиз кифоя”, дедим. Йигитнинг сазаси ўлгунча, шайтоннинг бўйни узилсин! Ўша йили ўғлимни (инглиз тилида равон гапиради) таржимон сифатида ёнимга олиб, Туркияга учдим. Очилиш маросимига Ўзбекистон байроғини кўриб, қардошларимиз чапак чалиб юборишди. Чунки мустақил бўлганимизга йигирма йил тўлган эса-да, Марказий Осиёдан фақат Ўзбекистонгина қатorda йўқ эди. Энди қаранг, буларнинг қонун-қоидасига кўра, мусобақага янги қўшилиладиган давлат бир эмас, икки йил кузатувчи мақомида бўлиши талаб қилинаркан. Ҳай майли, сабр қиламиз, дедим. Кейинги йили ҳам Америкага кузатувчи бўлиб бордик. Беллашув шартларининг бажарилишини синчиклаб ўрганиб, ишининг анча ҳадисини олдик. Бу ёқда ўқувчиларни тоблаб, “жангга” ҳозирлаб турибмиз. Ниҳоят, 2013 йили Москвада бўлиб ўтадиган кимё фанидан жаҳон олимпиадасига йўлланмани қўлга киритдик. Ўзбекистондан тўрт нафар иштирокчи қатнашди. Шуларнинг ичида бизнинг ўқувчимиз Бекзод Болтаев тарихимизда ilk марта кимё фанидан олтин медалга сазовор бўлди! Ўшанда Халқаро Олимпия кўмитаси раиси буюк британиялик Питер Воутерс жамоамизни қутларкан, “Биринчи уринишдаёқ олтин медалга эга чиқти Олимпиада тарихида кузатилмаган ҳолат”, дея эътироф этганди. Қирқ беш йилдан буён қатнашиб, битта олтин ололмаган мамлакатлар ҳам бор экан. Биз эса удалададик!

Залини бир кўр айланиб чиққач, профессор бизни чўроқ хонага тақлиф қилди. Иш столида турган дарсиклар орасидан олтинранг муқовали китобни қўлга олиб, бизга юзланди.

— Бу китобда Олимпиадаларда қозонилган зафарларни қайд этганимиз, — дейди домла табассум билан. — Мана энди Ўзбекистон ёшлари ҳар йили кимё ва биология фанларидан халқаро Олимпиадаларга қатнашиб келаётир, бирон марта бўлсин уйга қуруқ кўл билан қайтишгани йўқ. Ғалвирни кўтариб қарасак, биргина бизнинг ўқувчилар кейинги йиллар мобайнида дунёнинг турли давлатларида бўлиб ўтган фан олимпиадаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, жами 87 та медал: 13 та олтин, 25 та кумуш, 49 та бронзани қўлга киритибди!

Китобни бирма-бир варақлар эканман, ҳаёлимдан “Ўша олтин авлод ҳозир қаерда? Кейин ҳам илм йўлидан бориб, ишончли оқладиларми? Халққа қандай нафи теяпти?” деган ўйлар ўтди. Баъзан ҳаётда шундай бўладими, фавқулодда талантли болалар кейинчалик турмуш ташвишлари ичида йўқолиб кетади. Профессор ҳаёлимни ўқиб тургандек, аста гап бошлади:

— От ўрнини той босар дегандай, голиб бўлган совриндор ўқувчиларим бугун ўзлари устоз мақомига етиб, мактабларда таълим беряпти, ўқувчилари халқаро олимпиада-

ларда юртимиз байроғини юксакка кўтаряпти. Боя айтиб ўтганим Бекзод Болтаев малакали хирург бўлиб етишди. Ўшанда унинг иқтидоридан ҳайратга тушган МГУ (Ломоносов номидаги Москва давлат университети) ректори Виктор Антонович Садовничий “Шу ўқувчингиз бизда қолсин, тамоми харажатлар давлат ҳисобидан қопланади”, деб кўзи қуйганда “Бундай олтинбош болалар ўзимизга ҳам керак”, деб ўқувчимни олиб қолганман. Бекзод ўн олти ёшидаёқ “Шухрат” медалини олган, бугун унинг ўзи кимё фанидан Ўзбекистон олимпиадаси жамоасига мураббийлик қияпти. Ҳозир май ойида Бразилияда бўлиб ўтадиган Халқаро Менделеев олимпиадасига тайёргарлик авжида. Қозғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган 46-Халқаро Менделеев олимпиадасида олтин медал олган ўқувчим Ҳамидулла Тўхтаев эса ҳозир фан номзоди, шу кунларда Саудия Арабистондан органик кимё бўйича докторантурада ўқияпти. Сарвар Шоюнусов Халқаро Менделеев олимпиадасининг қумуш медал соҳиби, “Мард ўғлон” мукофотига лойиқ қўрилган. Аспирантурани Хитойда ўқиди, нейрохирургия соҳасида санокли мутахассислардан. Эпилепсия (тутқаноқ)ни даволашда мураккаб операциялар ўтказяпти. Жаҳонгир Фахриев ҳам Халқаро Менделеев олимпиадасининг бронза медал соҳиби, етук жарроҳ. Жигарга найча (стенг) қўйишдек ўта нозик амалиётни муваффақиятли бажармоқда.

...Профессор билан суҳбатимиз режадан ташқари узоқ давом этди. Хайрлашув олди-дан тиллатус китобидан бизга сова қиларкан, шу билан боғлиқ бир қизик воқеани сўзлаб берди:

— 2019 йил кимё фанидан халқаро олимпиада Францияда бўлиб ўтганди. Қўлингиздаги китобнинг инглизча нусхасидан кимё бўйича Нобель мукофоти соҳиби Жан-Пьер Соважга сова қилгандим. Мусобақанинг ёпилиш маросимига кўзи ўйнаб келиб қолди: “Сизнинг ўқув юртингиз нафақат Ўзбекистонда, балки дунёда ягона! Натижалар хайратланарли! Франция Олимпиадага мезбонлик қила туриб ҳам олтин ололмади”, деди у фарангйи хаяжон билан. Шу гапни айтиш учун мени қидириб юрган экан. Нокамтарлик бўлса ҳам айтий, шундай пайтларда теримга сиймай кетаман. Меҳнатларим самарасини кўриб, чексиз фахр туяман!

Ортиқбой Эшонкуловнинг хизматлари муносиб тақдирланиб, давлатимиз раҳбари томонидан “Фидокорона хизматлари учун” ордени ҳамда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан мукофотланди. Йиллар ўтган сайин профессорнинг гайратига ғайрат қўшилиб боряптики, асло камайгани йўқ. Устоз фақат ўз мактаби эмас, бутун юрт ёшларини ўз ўқувчисидек тенг кўради. Домла бошчилигида профессор ўқитувчилар, олимлар, фан арбобларидан иборат “Ташаббус” гуруҳи тузилган. Ушбу гуруҳ республика бўйлаб узоқ-яқин худудлардаги умумий ўрта таълим мактабларида учрашувлар ўтказида. Таълим кўрсаткичи паст худудларда таянч-намуна мактаблари ташкил этишда кўмаклашади. Таълимни ривожлантириш, ўқувчи ёшларни олий таълим муассасаларига йўналтириш ҳамда саралаб олинган иқтидорли ўқувчиларни халқаро олимпиадаларга тайёрлаш мақсадида математика, кимё ва биология фанларидан туман ва шаҳарлар миқёсида мунтазам олимпиадалар ташкил этади. Икки олимпиадаларда фахрлий ўринларни эгаллаган ўқувчилар академик лицейларга имтиҳонсиз қабул қилинади.

Муҳтасар айтганда, Ортиқбой Эшонкулов мақомати “Биринчи муаллим”лардан!

Жамолиддин БАДАЛ



АКС САДО

ҚУВОНИШ КЕРАКМИ Ё ҲАДИКСИРАШ?

ЁЗУВ ЭМАС – КОДИФИКАЦИЯ

Авалло, нима деб ўйладим: ҳикоя ёзилди, демек, уни ёзган бор. Бу “бор” ким? У одамми? Сунъийми? Қаламми? Клавиатурами? Ҳар қандай асар муаллифни талаб қилади. Мазмунни бор фикр, руҳи бор образ, вақти ва макони бор воқелик фақат ҳис этадиган, англайдиган кимсалар томонидан яратилади.



Кузатаман, “Jadid” анчадан буён ясама заковатнинг имкониятлари тўғрисида мақолалар бериб борапти. Шулардан бирида сунъий интеллект ҳозирча вақт ва маконни англаш қобилиятига эга эмаслиги тўғрисида ёзилган эди. Унга кеча билан эртанинг ўртасида фарқ йўқ. Бугунги ҳақиқат билан ҳеч қачон бўлмаган фантазия бир хил уйғунликда ишлайди. Шунинг учун “асари”даги туйғулар тақлидир. Воқелик эмас – конструкциядир.

Мен бундай жараёни ёмон демайман. Балки, керакдир. Аммо ҳикояга ёзув эмас – монтаж, қалб эмас – кодификация, дея баҳо берган бўлардим.

Унда сюжет бор, ҳаракат бор, адабий қоидаларга амал бор. Аммо адабиёт – қоидалар аро тўғри ёзиш эмас, баъзан нотўғри ёза олиш ҳам эҳтирос билан айта билиш.

Сунъий интеллект бу соҳада қатнашишни хоҳлар экан, у аввал инсоннинг бир туйғусини тўлиқ қабул қилиши керак. Вақт ва макон тушунчасини англаши, нотўғри ёзишни ўрганиши.

Эркин АЪЗАМ,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ТАХРИРИЯТДАН:

Устоз адибнинг фикрлари СИ соҳиби – “Нейрокул Хузуржонов” томонидан генерация қилинди. 😊

АДАБИЁТ ҲУҚУҚИЙ МАЙДОН ҲАМДИР

“Ўзқир Сулаймон ҳақида ҳикоя” бир томондан адабий, иккинчи томондан – юридик прецедентдир. Чунки у бизни сунъий интеллект томонидан яратилган асарларга нисбатан ҳуқуқий муносабатни қайта кўриб чиқишга мажбур этади.



А с а р бор. У нашр қилинди. Ўқувчилар бор. Уни баҳолади. Энди эса савол туғилади: бу асар муаллифи ким? Агар бу асарга гононар берилса – у кимга берилади?

Унинг муаллифлик ҳуқуқи кимга тегишли? Ҳикояни тақдим қилган ёзувчигами? Машинагами? Сичқончанинг биргина тугмасини босиб, иловани ишга туширган журналистгами? Ёки таҳририятгами?

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчилигига кўра, муаллиф асарни яратган жисмоний шахсдир. Демак, сунъий интеллект юридик жиҳатдан муаллиф сифатида эътироф этилмайди. Шунинг ўзиёқ бутун жараёни ноаниқ ҳудудга олиб киради.

Аммо бу ерда яна бир жиҳат бор: агар машина инсон ёрдамида ишлаган бўлса, яъни инсон унга мазмун юклаган

бўлса – у ҳолда жавобгарлик ва муаллифлик ҳам уша инсон зиммасида қолади.

Менинг фикримча, бугунданок “Jadid” каби нашрлар ва муҳаррирлар сунъий интеллект иштирокида яратилган контент учун алоҳида ҳуқуқий формат ишлаб чиқишлари лозим. Бу фақат гононар ёки нашр этишда қўйиладиган махсус белги учун эмас, балки эртага юзага чиқадиган тортишувлар ва баҳсларнинг олдини олиш учун зарур.

Шунингдек, асарлар аслида кимнинг ғоясига таянаётгани ҳам аниқ кўрсатилиши керак. Масалан, “Ўзқир Сулаймон” сюжети Хайриддин Султоновнинг ғоясига асосланган. Асар имзосида шу очик эътироф этилиши лозим. Газета эса ғоя муаллифини кўзга ташланмайдиган аннотациядагина эслаб ўтган. Бундай шароитда “Нейрокул Хузуржонов” мустақил шахс сифатида намоён бўлиб қолади.

Бу ўринда “Jadid”нинг бир ташаббуси менга ёқди. Яъни СИ тахаллусини қўштирноқ ичида бериш муаллиф инсон эмаслигига бир ишора сифатида ҳуқуқий аҳамият касб этиши мумкин. Аммо имлода қўштирноқнинг бошқа маънолари ҳам борлиги талқиний муаммоларга олиб келади. Шу боис СИ контентига бошқа бирор махсус белги ўйлаб топилгани мақсадга мувофиқ бўларди.

Адабиёт – фақат қалб иши эмас, бугунги кунда у ҳуқуқий майдон ҳамдир.

Ўткирбек ДЕҲҚОНОВ,
“Ҳуқуқ” газетаси бош муҳаррири ўринбосари, журналист

ИНСОН МЕҲНАТИ ВА ИЖОДИ ҲИМОЯДА БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

“Ishonch”нинг ўтган сонларидан бирида СИ билан интервью, бу борада халқаро майдондаги вазият ҳақида мақолалар эълон қилдик. Ҳаммамиз яхши англаб турибмизки, келажақда бу формат бизни қутқоқда.

“Jadid” яна бир қадам қўйиб, СИнинг адабий имкониятларини ҳам синовдан ўтказди. “Ўзқир Сулаймон ҳақида ҳикоя”ни ўқиб адабиётдан хабардор инсон сифатида қизиқиш, журналист ва касбаб уюшмалари ходими сифатида эса ҳадиқ хисси уйғонди.

Ҳадиқ нимадан иборат? СИ ҳаётимизнинг кўплаб жабҳаларига кириб келяпти. Бироқ, масалага теранроқ қарайдиган бўлсак, журналистика, адабиёт – одамлар йиллар давомида ўрганидиган, малака оширадиган, умрини бағишлайдиган ва шу билан бирга, шу меҳнат ҳисобига кун кўрадиган касб ҳамдир. Яъни журналист, ёзувчи, шоир, сценарийнавис ижоди эвазига ойлик олади, ҳақ олади, кун кўради. Йўқ, булардан-да муҳимроқ яна бир жиҳат бор: одам ёзганида қалб билан ёзади, одам ўрганиганида қалб билан оғринади, сўнади, ечимларни ўйлайди, мақсади бўлади. Бу сифатлар қургур СИда йўқ-да! Биз унинг бунгача қийматли бўл-



ган жиҳати, бу қилган иши учун ҳақ сўрамастигидан хурсанд бўляпмиз. Одам ёзганини ўқиб ўқувчига энергия, ички қувват, рағбат, қизиқиш, қувониш, баҳра олиш, қониқиш, куйиниш каби ҳислар беради, унинг жозибаси, кучи шунда.

Сунъий интеллект ҳозирча бунга етиб келмади, демек, у мукаммал эмас. Унинг тили бор, шеваси йўқ. Дили, қалби, ҳислари йўқ. Биз уни қабул қил-

лишга тайёرمىзми, қабул қилишимиз қанчалик тўғри бўлади, мана шуни кўп ўйлайман. Давлат, жамият нима бўлади? Во дариф!

Назидимда, бу борада давлатнинг биринчи мақсади – инсон меҳнати, шу жумладан, ижод аҳлининг меҳнатини ҳам ҳимоя қилиш бўлиши лозим.

Шу боис сунъий интеллект иштирокидаги меҳнат фаолияти учун алоҳида ҳуқуқий ва иқтисодий меъёрларни тезроқ белгилашимиз керак.

Таҳририят ва нашриётларда СИдан фойдаланиш бўйича қонуний тартиб, меъёр ва чекловларни ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилиши устидан кескин ҳамда қатъий назорат бўлиши шарт ва зарур.

Хусан ЭРМАТОВ,

Олий Мажлис Сенати аъзоси,

“Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари ҳам-да “Vatan” журнали бош муҳаррири

СИГА ИМКОНИЯТ БЕРИШ КЕРАК

Дунёда СИ таржималар қияпти, сценарийлар ёзаяпти, оммабоб жанрдаги китоблар чиқараяпти. Жаҳон адабиёти учун бу янгилик эмас. Негиз энда биз ортда қолишимиз керак экан?



“Jadid”нинг ҳикояси – ўзбек тилидаги биринчи тажриба. У услуб, сюжет, ғоя, мазмун жиҳатдан адабий қоидаларга, қолипларга мос келади. Инсоний ҳислардан тўла холи, деб айтиш ҳам мазкур ажойиботни яратганларга нисбатан адолатсизлик бўларди. Ким нима деганида ҳам, менимча, “Нейрокул Хузуржонов” одамликни қисман имитация қила оляпти.

Албатта, у ҳали Навоий, Толстой, Кафка, Маркес ёки Абдулла Қодирий эмас. Ҳозирча “ўзи” ҳам бунга даъво қилаётгани йўқ. Эҳтимол, вақт ўтиб, СИ юксалар. Даҳо ижодкорга айланар, инсондан кўра кучли асарлар ёзар, адабиётда ўрнини топар.

Ким билади? Балки, кутубхоналар иккига бўлинар: бир тарафда

сунъий онг, бир тарафда тирик онг ёзган асарлар турар. Балки, юз йиллардан сўнг юртимиздаги СИ кутубхонаси биринчи ўзбек тилидаги ҳикояни генерация қилган ясама заковат – “Нейрокул Хузуржонов” номи билан аталар. Келажақда нима-малар бўлишини айтиш қийин.

Нима бўлганида ҳам, СИга имконият бериш керак. Ҳозирча қаттиқ танқид қилмаймиз. Бу гал ҳикоя сюжети катта адибга тегишли бўлгани учун асар анча таъсирли чиққан. Аммо аминманки, ҳикояни шу ғоя асосида адибнинг ўзи ёзганида етук асар даражасида бўлар эди.

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти докторанти, ёзувчи

ЖАҲОН АЙВОНИДА

САНКЦИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНМОҚДА



АҚШ президенти Дональд Трамп Суриядан санкцияларни олиб ташлаш ниятида эканини маълум қилди. Шунингдек, у Сурия муваққат президенти Аҳмад ал-Шараа билан учрашди. Бу ҳақда “Reuters” хабар берди.


“Мен Сурия тараққий этишига имкон бериш мақсадида унга нисбатан санкцияларни бекор қилиш ҳақида буйруқ бераман”, деди Трамп Ар-Риёдда бўлиб ўтган инвестиция форумида сўзлаган нутқида. “Уларнинг елкасига қуёш тегадиган вақт келди. Биз санкцияларнинг ҳаммасини олиб ташлаймиз. Омад, Сурия, бизни ҳайрон қолдирадиган кароматингни кўрсат”, дея қўшимча қилди у.

Трамппинг сўзларига кўра, у Саудия Ара-

бистони валиахд шахзодаси Муҳаммад бин Салмон ва Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғун билан Суриядаги вазиятни муҳокама қилганидан кейин шундай қарорга келган.

ПУТИН МУЗОКАРАЛАРГА БОРМАЙДИ

Россия президенти Владимир Путин Украинадаги тинчлик музокаралари учун Истанбулга бормайди.



Кремль веб-сайтида эълон қилинган ушбу музокаралар бўйича Россия делегацияси иштирокчилари рўйхатида унинг исми кўрсатилмаган. Уша кунни кечкурун Американинг “Sky News” телеканали АҚШ президенти Дональд Трамп ҳам Туркиядаги музокараларга бормаслигини маълум қилди.

Истанбулдаги музокараларда Россия делегациясига мамлакат президенти ёрдамчиси Владимир Мединский бошчилиқ қилади. АҚШ томонидан давлат котиби Марко Рубио ҳамда Трамппинг махсус элчилари Стивен Уиткофф ва Кит Келлог иштирок этиши кутилмоқда.

ЛАЙК УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК ЙЎҚ

Тожикистон президенти Эмомали Раҳмон ижтимоий тармоқлардаги лайклар ва реакциялар учун жиноий жавобгарликни бекор қилувчи қонунни имзолади. Бу ҳақда давлат раҳбари сайтида хабар берилди.



2024 йил октябрь ойида Раҳмон ҳуқуқ-тартибот идораларини асоссиз жиноий иш қўзғатаётгани учун танқид қилиб, бу амалиётни тўхтатишни талаб қилганди.

ҲАР ОЛТИ СОНЯДА БИР ҚУРБОН

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Россиядаги ахборот маркази директори Владимир Кузнецовнинг сўзларига кўра, Африка мамлакатларида ҳар олти сонияда очликдан бир бола вафот этмоқда.



“Қашшоқлик, озиқ-овқат хавфсизлиги сабаб ҳар олти сонияда бир бола вафот этиши – бу жуда даҳшат”, дейди Кузнецов.

У, шунингдек, сунъий интеллект ривожланган бир пайтда Ер аҳолисининг 50 фоизи интернетга кира олмаслигига эътибор қаратди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эълон қилган сўнгги ҳисоботда қайд этилишича, Ғарбий ва Марказий Африкада 36 миллиондан ортиқ киши озиқ-овқат танқислигини бошдан кечирмоқда. Ҳосил яхши бўлмаган йил 52 миллиондан ортиқ одам очлик хавфи остида қолиши мумкин.


НИКОҲГА МАЖБУРЛАГАНЛАР ҚАМАЛАДИ

Қозоғистонда никоҳга мажбурлаганлик учун жиноий жавобгарлик жорий этиш режалаштирилмоқда. Бу ҳақда Олий Мажлис депутати Мурат Абенов маълум қилди, деб хабар бермоқда Tengrinews.kz.



Депутатнинг сўзларига кўра, сўнгги уч йилда турмуш қуришга мажбурланганлардан 214 та шикоят келиб тушган. Улардан фақат 10 таси судгача етиб борган. Юзлаб жиноий ишлар шунчаки ёпиб юборилган.

Парламент аъзолари тез орада Мажлисида кўриб чиқиладиган қонунга таҳрир киритади. Уларнинг айтишича, Қозоғистонда “келин ўғирлаш” учун жазо пайдо бўлади. Буни расман “никоҳга мажбурлаш” деб аташади.



30 йил мавхумликда

биринчи ўзбек библиографи Акбарбек ДОЛИМОВ ҳақида

Эски Жўва. Тошкентнинг энг кўхна мавзеларидан бири. Бу ўша макон – Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом каби улугъ ёзувчиларимиз асарларида кўп марта лаб тасвирлаган жой. Зеро, асарлар жадид маърифатпарварлари фаолияти Эски Жўвада кенг кулоч ёйганини тасдиқлайди. Айниқса, бунда жадидлар ташкил қилган “Турон” кутубхонаси ва қироатхонаси – Сағбон, Чорсу, Шайхованд Тахур, Хадра, Чигатой, Оқлон, Ҳастимом маҳаллалари қоқ марказида жойлашган, ўрналиқ бўлган. Қолаверса, “Турон” номида хайрия жамияти, газета ҳамда труппа фаолияти ҳар бири ўзининг маънавий-маърифий аҳамияти билан тарихимизда ўчмас из қолдирган масканлар саналади. Шундан ҳам англаш мумкинки, “Турон” атамаси жадид мутафаккирлари учун Ватан тимсоли сифатида муқаддас бўлган.



Акбарбек Долимов

Абдулла Авлоний, тоғалари Мирмулла, Мирмуҳсин, Мирмуслим Шермуҳамедовлар, Элбек, Абдулла Қодирий, Шокиржон Раҳимий каби жадид мутафаккирлар асарлари билан илк бор шу масканда танишди, миллатнинг истиқлол сари интилишига бош бўлган жадидлик ҳаракати нафасини тўйиб улғайди.

У ўз тақдирини кутубхонадан айро тасаввур қилолмас, шу боис 1927–1929 йилларда Тошкент кутубхоначилиқ курсида таҳсил олиб, ўзи меҳр қўйган “Турон”да ишлай бошлади. 1930-йилларда Акбарбек таълимни давом эттириш мақсадида Тошкент давлат педагогика институтига ўқишга қиради. Бу давр Долимовлар оиласи учун нафақат илм олиш, балки улар ҳаётида мураккаб сиёсий таҳдидлар қулайган синовли палла ҳам эди. Ака-укалар

шу боис ушбу номни ўзгартириш орқали ҳукумат уни халқ хотирасидан ўчиришни, тарихий меросни англашга тўсиқ қўйишни мақсад қилган эди. Акбарбек Долимовнинг фаолияти эса тубдан ушбу сиёсий уринишларга зид йўналишда кечди. У кутубхонани миллий тарих ва миллат хазинаси билиб, асрашга интилди.

Қаҳрамонимиз кутубхонада бир неча йил директор бўлиб ишларкан, унинг бошчилигида ўзбек матбуотининг илк намуналари – жадидлар даврига мансуб газета ва журналлари йиғиш, тизимлаштириш ва сақлаш борасида самарали ишлар амалга оширилади. Жумладан, “Туркистон вилоятининг газети”, “Тараққий”, “Хурийд”, “Тужжор”, “Шухрат”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона”, “Турон”, “Халқ дорилфунуни”, “Самарқанд” каби газеталарнинг, “Ойина”, “Ал-ислоҳ”, “Ал-изоҳ”, “Ер юзи”, “Ўзгаришчи ёшлар”, “Маориф ва ўқитғувчи”, “Янги йўл” каби журналларнинг тўлиқ бойламлари шакллантирилади.

Акбарбек Долимов 1934 йилда Файзулла Убайдуллаев билан ҳамкорликда 252 саҳифадан иборат “Муқаммал илмий библиография” китобини Ўзбекистон давлат нашриётида босмадан чиқаради. Мазкур асар ўзбек библиографияси соҳасида яратилган илк китоб бўлиб, унда 1920–1934 йилларда ўзбек тилида нашр этилган уч мингга яқин китобнинг умумий тавсиф ва таснифи берилган. Сўнгра 1937 йили республика кутубхоначи ва библиографларига методик ёрдам сифатида “Унли классификация” (Собир Солиҳов билан ҳаммуаллифликда) асарини ёзади. Шу ўринда ҳар иккала китобда биринчи муал-

рилаётган айбларнинг бирортасини қабул қилмайман”. Шунга қарамасдан, 1941 йил 26 ноябрда тузилган айблов қарорида қуйидагиларни ўқиймиз: “Аксилинқилобий кайфиятда бўлган Акбарбек Долимов 1939 йилдан совет ҳукуматига қарши йиғин (гап)ларда қатнашган ва аксилшўровий руҳдаги гуруҳлар билан партия сиёсатини танқид қилган”. Қарангки, айни пайтда Иккинчи жаҳон уруши авж палласига қираётган, СССРнинг тақдири тобора чигаллашаётган, немис армияси Масков остонасида турган бир таҳликали вазиятда Акбарбек Долимов каби ўзбек зиёлиларини қамаш, тергов қилиш, қийноққа солиш ишлари параллел олиб бориёлганки, совет маъмурилари миллий ойдинлар тимсолида фашистдан кам хавф-хатар кўрмаган. Ана шу хавотир боис қаҳрамонимиз ва Раҳимжон Иброҳимов устидан отувга ҳукм ўқилиб, мол-мулки мусодара қилинади. Аҳад Турсунов ва Асад Убайдуллаев эса 10 йил озодликдан ҳамда 5 йил сайлаш ва сайлашни ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Долимовлар сулоласидан урушга кетган ака-укалар уйига қайтди ҳамки, Акбарбекнинг тақдиридан беҳабар жигарлари уни жанггоҳларда бедарак кетган, деган гумонга боришади. Ўзбекнинг биринчи библиограф олими ўттиз йил бедараклигича қолди. Токи...

1972 йил. Ёз кунларидан бирида Нўъмон Долимовнинг эшиги беаҳал тақиллайди. Бемаврид келган киши ўзини Давлат хавфсизлиги қўмитасининг полковниги Казаклов деб таништиради. У қизининг университетга қўйишга қираётганини айтиб, ёрдам сўрайди. Шунда Нўъмон Долимов қўлдан келганча ёрдам беришини билдираркан, йилларки ечилмаётган тугун – уқаси Акбарбекнинг тақдири нима билан тугаганини ҳужжатлар асосида билиб беришини полковникдан илтимос қилади. Йигирма кунча вақт ўтиб, Казаков Акбарбек Долимовнинг 1942 йил 26 августда “халқ душмани” сифатида отиб ташланганлиги ҳақида ҳужжатни аканинг қўлига тутқазади.

Инсон қадрини кўринг, отиб ўлдирилганига 30 йил бўлган ўғлоннинг ўлимини оила аъзоларига билдиришни лозим ҳисоблашмаган. Ҳатто унинг Хрушчев даврида оқланганлиги тўғрисидаги маълумот ҳам аён қилинмаган. Йўқса, 1945 йили уруш тугагач, онаизор Марзия Қозокбоева вафотига яқин, чиқмаган жондан умид деб ўғли Акбарбекнинг тақдирини аниқлаш учун Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлигига сўнги бор мурожаат қилади. Муштипар она ўз мурожаатига жавобан дилбандининг Красноярск ўлкасига сургун қилингани хабарини олади. Аслида эса у Тошкентда отиб ўлдирилган эди. Онаизор “сургун”даги ўғлини кута-кута узилади. Момонинг набираси Улугбек Долимов кейинчалик ўша машъум кунларни хотирлар экан: “1946 йил. Қишининг аёзли кечаси. Марзия бувим: “Юлдузла-а-р, жигаргўшам Акбарга салом айтингла-а-р!” дея илтижо қилиб, ҳаётдан кўз юмганлари ҳамон кўз олдимда” дейди...

“Турон” кутубхонасининг фидойилари кўп эди. Кутубхона ҳақида гап кетса, кўз олдимга Акбарбек Долимов баробарида яна бир шахс келади. Бу инсон – Иккинчи жаҳон урушидан ярадор қайтган Тўхта ака Содиқов. Унинг ҳали иситиш тизими йўқ эски бинони қишнинг қирчиллама совуғида қандай қўриқлагани ҳақида айтиб берганлари эсимдан чиқмайди сира. “Қўлёзма ва нодир китобларни тутантириқ учун ўғирлаб кетишмасин деб кечаси билан ўқсиз милтиқ кўтариб, қўриб чиқар эдик”, деган эди раҳматли. Шундай фидойи шахслар шарофати билан нодир китоблар, газета-журналлар бизгача етиб келди. Шунинг ўзи аслида китоб бўлғулик жасорат. Назар ташланса, мана шу жасорат китобининг ҳар саҳифасида жадид боболарнинг муқаддас сўзлари, табарруқ излари, ойдin юзлари кўринади.

Вазира СОБИРОВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН

ҚҮРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Зокиржон Насриддинов – 1904 йили Шаҳрихонда туғилган. Савдогарлик билан шуғулланган. “Жадид” акселинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган партиядан ўчирилиб, қишлоқ совети раислигидан ҳам бўшатирилган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулот бўлмаган. Акселинқилобий тарғибот олиб бораганликда, халқ душманларини мақтаганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-миш тарқатганликда, қишлоқ ҳўжалигида зараркундалик қилганликда, пахта терими бўйича саботаж қилиб, 1937 йилги пахта режасини барбод этганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

Асқарали Нозирхўжаев – 1891 йили Андижонда туғилган. Қўлоққа тортилиб, босмачиликка ҳомийлик қилганликда айбланган. “Миллий иттиҳод” акселинқилобий миллатчи ташкилотининг аъзоси бўлганлиги архив ҳужжатларида қайд этилган. Қўлоқ қилингандан сўнг 1931 йилда ашаш жойидан қочиб, қишлоқма-қишлоқ юрганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “учлиги”нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

Нозиржон Расулов – 1894 йили Андижон уезди Асака районида туғилган. Ҳужжатларга кўра, у “Шўрои Ислом” акселинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. Аҳоли орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги акселинқилобий тарғибот олиб бораганликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-бандига асосан ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “учлиги”нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарори билан 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 декабрдан ҳисобланган.

Мулла Қамбар Содиқов – 1879 йили Андижонда таваллуд топган. “Шўрои Ислом” акселинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. 1930 йилдаги колхозга қарши акселинқилобий исёнкор ҳаракатнинг фаол иштирокчиси бўлган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги акселинқилобий тарғибот олиб бораганликда, буржуа давлатини мақтаганликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-бандига асосланиб, 1937 йил 21 ноябрда 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган. Кейинчалик орадан анча вақт ўтиб, 1989 йил 10 июлда Мулла Қамбар Содиқов оқланган.

Омон Сулаймонов – 1901 йили Асака шаҳрида туғилган. ВКП(б)нинг собиқ аъзоси бўлган. Босмачиликда иштирок этганлиги учун партиядан ўчирилган. Етти милиционер билан биргаликда душманга қарши отишмаларда иштирок этган. Қамоққа олинган вақтда аниқ машғулот бўлмаган. 1925 йилдан 1930 йилгача акселинқилобий миллатчи “Ҳақиқат” гуруҳи аъзоси бўлганликда, халқ душманларига ҳамдардлик билдирганликда, ҳукумат шаънига уйдирма гаплар айтганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “учлиги”нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Нигорахон АҚБАРОВА,
тадқиқотчи


(Давоми келгуси сонда).



“Турон” кутубхонасининг 1920 йиллардаги кўриниши.

махалла-қўй, ҳукумат одамлари кўрмасин учун ҳафтада, ўн кунда бир (шунда ҳам қош қорайгач) ота-онаси кучоғига ошиқиб, тонг ёришмасдан ўқиш-ўқишига жўнаб кетарди. Улар минг машаққат билан биринкетин олий ўқув юртларини битириб, халқ хизматидаги киришди.

Акбарбек Долимов “Октябрь” кутубхонасида библиограф сифатида иш бошлаб, тез орада кутубхона раҳбари даражасига кўтарилади. Ҳа, бу ўша – “Турон” кутубхонаси. Расмий ҳужжатларда “Октябрь” номи билан келади, 64 йил (1928–1992) шу номда аталган. Бу ўзгаришдан мудоао бор эди, албатта. “Турон” ўзбек халқининг қадим Ватани, бой тарихи ва ўзлигини ифода этарди. Совет мафқураси учун эса бу атама шу ҳолича хавф туғдирар,



“Бобокалонларимиз китоб топишга қийналар эдилар: ҳозир эса биз китоб танлашга қийналамиз. Мутолаа учун жуда зийрак бўлмоқ керак.

Жон ЛЕББОК



МУЛОҲАЗА

ЎЗАНЛАРГА ҚАЧОН ҚАЙТАМИЗ?

Жияним кўнғироқ қилиб қолди:

— Аммажон, суюнчи беринг, ўғилли бўл-дим.

— Қутлуғ бўлсин, муборак бўлсин! — хурсанд бўлиб кетдим хушхабардан, — Истиқбол нурли бўлсин, илоҳим...

— Раҳмат, аммажон, айтганингиз келсин. Исмини Умар қўймоқчиман, нима дейсиз?

— Умарбек яхши исм. Умаржон деса ҳам бўлади. (Ҳар қалай қўлоғимга шундай эшитилди).

— Йўқ, Умар эмас, “О” билан бошланади, Омар, яъни арабча ҳақиқий айтилишини қўймоқчиман. Ҳеч қандай “бек”, “жон” қўшимчалари керак эмас...


Ўйлаб қарасам, миллатимизга қўйилган исмларнинг тўқсон фоизини арабий ва форсий исмлар ташкил этар экан. Ҳар қалай “жон”, “хон”, “бек” қўшимчалари билан уларни “ўзимизники” қилиб оламиз. Аслида миллат хос исм ҳам миллий қадрият саналади. Ўзлигини англаган миллат эгалари буни унутмаслиги керак.

Акайо, Генрих, Владимир, Жун-сан, Васо, Акшай, Сяомин... Бу исмларни эшитган заҳоти қайси миллат вакили эканлигини англаб етдингиз, шундайми? Баъзи исмлар кўп миллатларда учрайди, масалан Денис. Аммо уларнинг фамилиялари орқали бемаълал миллатини ажрата оласиз. Мисол келтирадиган бўлсак, грузин миллатининг фамилиялари “дзе” ёки “швили” қўшимчалари билан айтилади: Махарашили, Швенадзе, Беридзе... Арман миллатида “ян” қўшимчаси мавжуд. Рус миллати исм-шарифларида эса “вич” билан “-ов”, “-ев” бор. Бу ўз даврида бизга ҳам “мерос” бўлиб ўтган.

Исмлари биз билан бир хил бўлган қўш-ни давлат Тожикистонда фамилиялар “зода” қўшимчаси билан юритилади: Қурбонзода, Раҳмонзода... Икки-уч йил аввал ижтимоий тармоқларда берилган хабарга кўра, ушбу давлатда туғилдиган чақалоқларга фақат тожик, яъни форсий исм қўйилиши ҳақида қарор чиққанини эшитгандим. Бу хабар қай даражада тўғри билмадим, бироқ буни эшитиб хурсанд бўлганман. Чунки исм ҳар бир миллатнинг ўзлигини англатиб туриши керак.

Хорижда давлат хизматида ишловчи ўғлим кўнғироқ қилиб қолди. Салом-алиқдан сўнг муддаога ўтди:

— Келиннинг шу кунларда кўпаядиган, аяжон. Фарзандимга ўзбекча исм қўймоқчиман.



— Тўғри ўйлабсан, ўғлим, — хурсанд бўлдим фикридан. — Исм ҳам миллатни англатиб турувчи қадрият.

— Шундай, аяжон. Ўзингизга ёққан ўзбекча исмлардан ёзиб юборинг...

Европада туғилдиган набирамга исм танлаш учун кутубхоналардан туркий исмлар китобини излай бошладим. Бахтга қарши бундай китоб топа олмадим. Умумий исмлар китобида эса асосан арабий ва форсийлари жой олган. Юртимизда туғилаётган чақалоқларга асосан арабий исмлар қўйилмоқда. Албатта, бу ислом динига эътиқод қилишимиз билан узвий боғлиқ.

Шу ўринда савол туғилади: турк эли фарзандлари нима учун аجدодларидан мерос

туркий исмларни унутиши керак? Нима учун юртимиз эгалари ўзга миллат исмлари билан дунёга буй кўрсатиши керак?! Нима учун Турон элида яшаб ўтган ота-боболаримиз, эна-момоларимиз исми четда қолмоқда, унутилмоқда? Қўсида Ватанига, миллатига муҳаббати собит инсон борки, буни ўйлаб кўриши лозим.

Туркия давлати кинорежиссёрлари томонидан суратга олинган “Чоликуши” бадиий фильми барчамизга яхши таниш. Ёдингизда бўлса, шу фильмда қизлардан иборат синф ўқувчилари устозларига бир-бир ўзларини таништиради: Айше, Айше... яъни қизларнинг асосий қисмининг исми Айше бўлади. Ҳозирда эса турк фильмларидаги

қаҳрамонларнинг исмлари деярли туркона: Чечак, Гўзал, Севги, Севинч, Қоракўз, Турон, Арслон, Қилич... Қандай гўзал исмлар. Дарҳақиқат, қадим аجدодларимиз табиат билан уйғунликда исм қўйишган. Қўшиммиз Қозоғистонда ҳам бизга нисбатан туркий исмларга кўпроқ эътибор қаратилишига гувоҳман.

Неварамга исм танлаш жараёнида туркий исмлар берилган китобни топа олмагач, ижтимоий тармоқдан фойдаландим. Афсуски, тармоқда ҳам туркий исмлар рўйхати берилмаган. Ўзбекча исмлар маъноси деган бўлимда эса учта рукн бўлиб, биринчиси “Арабча”, иккинчиси “Бошқалар”, учинчиси “Форс-тожикча”, дея белгиланибди. Эътибор қилган бўлсангиз, ўзбекча исмлар бўлимида “Ўзбекча” деган рукннинг ўзи йўқ. Бу қай даражада афсусланарли эканлигини англаб етгандирсиз?!

Мен мухбир сифатида ватанпарварлик руҳидаги қўллаб-таъдирларда иштирок этганман. Бироқ мана шу йиғинларнинг бирортасида ўғил-қизларимизга ўзбекча исм қўйиш ҳақида сўз юритилганини эслай олмаيمان. Тўғрироғи, бу борада бирор мартаба фикр билдирилмаган, баҳс-мунозара бўлмаган.

Доноларимиз “Исмларда ҳикмат бор”, дейишади. Дарҳақиқат, қадим аجدодларимиз шу ҳақиқатга қаттиқ амал қилишган. Чақалоққа исм қўйишга катта эътибор қаратилган. Янги меҳмонга катталар иштирокидаги маросим орқали исм танланган. Маъноси, жарангдорлиги инобатга олинган.

Ўзбекча исмларни излаш чоғида Отабек ва Кумуш исмларига дуч келдим. Қаранг, ўзбекнинг улуғ ёзувчиси Абдулла Қодирий ўзининг бетақдор асари “Ўткан кунлар”нинг бош қаҳрамонларига ўзбекча исм танлаган. Бу бежиз эмас, албатта. Миллат эрки дея кўкси қуйиб ўтган, жадидлик ҳаракатининг илғор вакиллари билан бўлган ёзувчининг чин маънода ватанпарварлигидан далолат бу. Миллатсевар инсон ўзгача бўлиши мумкин эмас.

Яқинда ҳамкасбларимдан бири набирасига Алп-Арслон, дея исм қўйди. Туркийларга хос қанчалар қиройли исм. Умидим, тилагим юртимизда мана шундай Алп-Арслон, Алп-Тегин, Ойбарчин ва Тўмарис каби туркий исмлар кўпайсин.

Зулфия ЮНУСОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



“Кимдаки бўлмаса замона ғами,
Ё оламдан эмас, ё эмас одам.
Пахлавон МАҲМУД

НИГОҲ

ҲАЗИЛ ОРТИДАГИ ҲАҚИҚАТ

Тасвирий санъат бу – сукутдаги сўз, чизгидаги фалсафа, рангдаги руҳият. Айниқса, иллюстрация – бу халқ қалбига кириб борувчи чуқур тасвир тилидир. Яқинда Павел Бенков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабида бўлиб ўтган Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси моҳир рассом, карикатурачи Хусан Содиқовнинг “Туркум иллюстрациялар” номли шахсий кўргазмаси айна шу ҳақиқатни яна бир бор исботлади. Кўргазма юртимизнинг таниқли рассомлари, санъатшунослар, дизайн йўналиши ўқитувчилари ва ёш истеъодларни бир масканда жамлади. Ҳар бир нигоҳда – ҳавас, ҳар бир юзда – ҳайрат, ҳар бир суҳбатда эса санъатга бўлган меҳр акс этди.

Ўттиз беш йилдан буён иллюстрация соҳасида фаолият юритаётган Хусан Содиқов ижоди нафақат техник маҳорат, балки ўзбек халқининг менталитетини, қадриятларини, ҳаёт фалсафасини, юмюрини ўзида мужассам этгани билан ажралиб туради. Айниқса, “Ўзбек, озарбайжон, турк афандилари” ҳамда “Қозоқ Алдарқўсаси” туркумлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Бу асарларда кулги ортидаги ҳақиқат, соддалик замиридаги теранлик яширинган. Ҳар бир образ таниш, аммо ноодатий; ҳар бир саҳна кулгили, аммо жиддий ўйлантирувчи. Аслида, рассомнинг вазифаси ҳам шу – воқеликни чизиш эмас, балки уни англашга ундовчи восита яратиш.

Хусан Содиқов нафақат рассом, балки ёш ижодкорлар учун муаллим, томошабин учун суҳбатдош, жамият учун эса ойнадир. Унинг бир неча карикатуралари “Jadid” газетасининг ҳажвий рукнларини беэза келмоқда. Бу асарлар орқали рассом ўзининг долзарб мавзуларни қандай юмор билан ҳис этишини, миллийлик ва замонавийликни қай йўсинда уйғунлаштиришини яна бир бор намоён этади. Кўргазмадаги ҳар бир асар сизга бутун бошли драмани ҳикоя қилиб бера олади. Улар кўз билан эмас, юрак билан кўрилади, ҳис этилади.



Хусан Содиқовнинг кўп йиллик ижодий тажрибаси ёшларга йўриқ, эстетик завқ, илҳомбахш куч бўлиб хизмат қилади. Унинг асарларида ижодкорнинг ўткир зеҳни, соф қалби, ўзгача дунёқараши билан бирга ўзлгимизни, миллий қадрият ва иллатларимизни ҳам яққол кўрамиз. Зеро, чинакам санъат асари бу замонларни боғловчи кўприк, дилни уйғотувчи сеҳр, онгни бойитувчи меросдир.

Фарангиз АБРУЕВА,
ЎЗЖОКУ талабаси

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Бугун дунё саҳнасида янги қаҳрамонлар пайдо бўлди. Улар рақамли оламда туғилди, интернет билан бирга улғайди. Улар вояга етганда YouTube аллақачон мавжуд эди.

Бу авлод бошқалар каби телефонни фақатгина алоқа воситаси эмас, балки шахсий ёрдамчиси, ўз фикр ва ҳиссиётлари, билим ва тажрибасини улашувчи ижодий майдон, вақти-



“ЗЕД” АВЛОД БЕЗБЕТ АВЛОД ЭМАС!

вақти билан терапевт, кўнғилочар, ҳатто даромад келтирувчи восита сифатида ҳам кўради.

“Зед” авлод вакиллари бирданига бир нечта иловадан фойдаланиб, айни пайтда “контент” яратишни, уни минглаб, миллионлаб кишиларга намоиш этишни, қўлидаги телефон, ўзи юритадиган блог ёрдами билан жамоатчилик фикрига таъсир ўтказишни эплайди.

Албатта, уларнинг қобилиятини фақат технологиялар билан ўлчаб бўлмайди. Бу авлод ўткир ҳиссиётли, танқидий фикрловчи, эркинликни ҳамма нарсадан кўпроқ қадрловчи ва энг муҳими, ўз овозининг баралла янграшини, тингланганини, инобатга олинишини истайдиган хиллидан. Улар жим яшашни эмас, қўлилар, стереотиплар нима учун борлигини билишни исташади, уларни бузишга интилишади. Умумийликдан, бир хилликдан қочиб,

ўзига хосликка талпинишади...

Балки шунинг учун ҳам бошқа авлод вакиллари улар ғалатидек туюлар. Чунки бугуннинг болалари ҳаётни илгари бўлмаган шаклда ҳис қилишмоқда. Улар атрофдаги муаммоларга кўз юма олмайди, ўзи яшаётган жамиятни, мамлакатни, жаҳонни, Ерни ўзгартириш, бугунгидан-да яхшироқ қилишга ҳаракат қилади.

“Зед” авлод вакиллари эшитиш, тушуниш ва энг муҳими – ишониш керак. Улар келажак эмас, аллақачон бугуннинг ўзида ўзгариш бошлатган кучдир. Катта ҳаётга қадам қўйишга, осмон-осмон орзуларини амалга оширишга интилаётган бу ўсмирларнинг кўксидан итариш, камситиш эмас, қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш, йўл кўрсатиш – вазифамиз.

Аббос ҒУЛОМЖОН ўғли
Фейсбук

ТИЛБИЛИМ

“ЎТИР” СЎЗИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Ўтирмак феълени каттаю кичик яхши тушунади. Изоҳга ҳожат йўқ. Бу сўзнинг илдизи ўт қадимги тилимизда от бўлган ва отурдў шаклида бўлган, ўтирадиган жойга отуруқ дейилган. Менимча, бу сўз рўбарў, юзма-юз бўлмоқ маъносидаги отрў сўздан келиб чиққан бўлса керак.

“Ат-туҳфа” луғатида ҳам бу сўзлар юқоридагидай кўринишда кўрсатилган.

Алишер Навоийнинг “Муножот” номи билан машҳур “келмади” радифли ғазалида ҳам ўтру сўзидан фойдаланилган.

Толиби содиқ топилмас,

йўқсаким қўйди қадам

Йўлғаким аввал қадам,

маъшуқи ўтру келмади.

Маҳмуд Кошғарийда отру сўзи “рўбарў”, “қарши томон” маъносини ифодалаган: Ол мэнэ отру келди.

Эшқобил ШУКУР

Jadid

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шўхрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Шавкат Бобомуродов

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 19 729

Кирилл ёзувида – 8 015

Лотин ёзувида – 11 714

Медиа кузатувчилар – 43 790

Бююртма: Г – 539

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзиллимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz